

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

16-сон
(1192)
2025 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

157. «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 14 апрелдаги ЎРҚ–1056-сон Қонуни
158. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–1057-сон Қонуни
159. «Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–1058-сон Қонуни
160. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–1059-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

161. «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги ПФ–66-сон Фармони
162. «Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сийсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 апрелдаги ПФ–67-сон Фармони
163. «Қарздорлик ҳисобига банклар балансига олинган мол-мулклар реализациясини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ–142-сон қарори

Учинчи бўлим

164. «Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни экологик сертификатлаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 апрелдаги 230-сон қарори
165. «Айрим турдаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарори

Бешинчи бўлим

166. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги директорининг 2025 йил 1 апрелдаги 1-2025-сон “Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларнинг 8-бандига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413-1*)
167. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг 2025 йил 28 мартдаги 02/15-05/01-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2025 йил 27 мартдаги 13-сон “Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ле-

галлаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-8*)

168. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 10-2025/B-son “Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2046-4*)
169. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 7-2025/B-son “Bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2239-1*)
170. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 20-martdagi 242-son “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (8-sonli BHS) “Ko‘chmas mulk, bino va jihozlar”ga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3144-1*)
171. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining 2025-yil 7-apreldagi 2025-06-son “Davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq to‘lovchilar faoliyatida amalga oshiriladigan soliq nazorati tadbirini videotasvirga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3207-1*)
172. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 9-apreldagi 246-son “Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasining 70-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3406-1*)
173. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2025 йил 14 мартдаги 12-2024/Б-сон “Айрим соҳа ходимларини махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлашнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3617*)

174. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлигининг 2025 йил 1 апрелдаги 5-сон “Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005-1*)
175. О‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2025-yil 2-apreldagi 4-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 27-martdagi 244-son hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 24-martdagi 2-q/q-son “Tibbiyot muassasalarini moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 16-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3416-1*)
176. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 25-martdagi 243-son va Soliq qo‘mitasining 2025-yil 20-martdagi 2025-07-son “Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash va sotish bo‘yicha operatsiyalarning buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 16-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1684-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****157 Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш
тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
4 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун қишлоқ хўжалигида суғурталаниши лозим бўлган таваккалчиликлар, қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси шартномасини (бундан буён матнда қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси деб юритилади) тузиш ва қайта суғурта қилишни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртасини амалга оширишда Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасини ташкил этиш, ушбу Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари, суғурта мукофотлари бўйича субсидиялар бериш, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича зарарни аниқлаш ва суғурта товонларини тўлаш, шунингдек қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишни давлат томонидан мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

2-модда. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик

Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 апрелда эълон қилинган.

воситачи — Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси номидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузадиган юридик шахс;

мустақил эксперт — суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ўрганадиган, суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектини кўздан кечиришни амалга оширадиган, суғурта ҳодисаси мавжудлигини, шунингдек суғурта ҳодисаси сабабли етказилган зарарнинг миқдорини аниқлайдиган, тегишли ваколатларга ва мустақил эксперт гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

хизмат ҳақи — қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича воситачига ҳамда мустақил экспертга тўланадиган тўлов;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи — қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирадиган юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти — қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштириладиган чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотлари.

4-модда. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишнинг асосий принциплари

Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

очиқлик ва шаффофлик;

суғурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши кафолати;

коррупцияга йўл қўймаслик.

5-модда. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ушбу Қонун талабларига ҳамда қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда қуйидаги бир ёки бир неча таваккалчиликлар бўйича қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаларини тузади:

табiiй ва техноген офатлар;

ёнғин;

ўсимликларнинг зараркунандалар ва касалликлардан зарарланиши;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг юқумли касалликлари тарқалиши ва заҳарланиши;

ёввойи ҳайвонлар томонидан экинларнинг пайҳон қилиниши ёки қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига зарар етказилиши;

учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари.

2-боб. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишни давлат томонидан мувофиқлаштириш**6-модда. Мувофиқлаштирувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи давлат органидир (бундан буён матнда мувофиқлаштирувчи давлат органи деб юритилади).

Мувофиқлаштирувчи давлат органи:

қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғурта қилинишини (бундан буён матнда қишлоқ хўжалиги суғуртаси деб юритилади) ташкил этиш ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси ва полисини расмийлаштириш, суғурта мукофоти учун бюджет субсидияси олиш, суғурта товонини олишга доир аризаларни кўриб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини ўз ичига оладиган ахборот тизимини юритади;

қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари ва улардан ҳимояланиш бўйича тадқиқотлар ўтказилишини рағбатлантиради;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш чораларини кўради;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида суғурта мукофотларининг бир қисмини тўлаш ҳамда суғурта товонлари бўйича бюджет субсидиялари миқдорини аниқлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ажратилаётган бюджет субсидиялари бўйича ҳисоблар ва ҳисоботларнинг юритилишини назорат қилади;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ва амалий семинарлар, конференциялар, тренинглар ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини такомиллаштириш, ривожлантириш ва қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш суғурта мукофотларининг бир қисмини ҳамда етказилган зарарнинг суғурта мукофотлари ва қайта суғурта қилиш маблағлари ҳисобидан компенсация қилинмаган қисмини қоплаш учун бюджет субсидиялари ажратиш орқали амалга оширилади.

Бюджет субсидияси мувофиқлаштирувчи давлат органининг бюджет

сўровномасига асосан ҳар йили навбатдаги йил учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, бюджет субсидияси ҳисобидан тўланган суғурта мукофотининг бир қисми Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг ҳисоб-китоб варағида қолади ва ушбу Қонунга мувофиқ янги суғурта шартномаларини тузиш учун сарфланади.

8-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасидаги фаолият устидан қонунчилик талабларга мувофиқ назорат қилиш суғурта фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Мувофиқлаштирувчи давлат органи қишлоқ хўжалиги суғуртасининг ташкил этилиши, ривожлантирилиши, унинг самарадорлиги ҳамда шаффофлиги, суғурта мукофотларининг йиғилиши ва суғурта товонларининг белгиланган муддатларда амалга оширилиши устидан назоратни таъминлайди.

3-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш

9-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси

Қишлоқ хўжалиги суғуртасини бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги суғурталовчиси сифатида Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилади.

Жамғарма суғурталовчи вазифасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда лицензиясиз амалга оширади. Бунда мазкур қоида Жамғармани суғурта (қайта суғурта) фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга асосан фаолият кўрсатади.

10-модда. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

Жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги суғуртасининг амалга оширилишини ташкил этиш ва бошқариш;

суғурта ходисаси юз берганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга етказилган зарарнинг қиймати қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси доирасида тўланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш чоғида олинган ахборот-

нинг махфийлигини таъминлаган ҳолда Жамғарма, мувофиқлаштирувчи давлат органи ва воситачилар ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этиш.

Асосий вазифаларни бажариш мақсадида Жамғарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Жамғарманинг зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш учун унинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофотлари маблағларини жамлайди;

суғурта ходисаси юз берганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга етказилган зарар суммасини белгиланган тартибда тўлайди;

мувофиқлаштирувчи давлат органи билан келишувга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги суғуртасининг намунавий шартномаси ва намунавий полисини ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларидан, таваккалчиликлардан ва ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда, суғурта мукофоти ставкасини аниқлашга доир тадқиқотлар ўтказиши, тадқиқотлар натижаларини мувофиқлаштирувчи давлат органи билан келишувга кўра Жамғарманинг бошқарув Кенгашига тақдим этади;

воситачиларга ва мустақил экспертларга Жамғарма маблағлари ҳисобидан хизмат ҳақи тўланишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ҳамда воситачилар ўртасида қишлоқ хўжалиги суғуртасига оид ахборот алмашинуви таъминланишини мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича статистикани шакллантиради;

қонунчиликда белгиланган суғурта сирига доир талабларга риоя этган ҳолда, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси иштирокчилари билан қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича ахборот алмашинувини амалга оширади;

Жамғарма маблағларининг тушумлари ва харажатлари бўйича йиллик ҳамда чораклик прогнозларни шакллантиради;

қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади, хорижий тажрибани ўрганади ва уларни мувофиқлаштирувчи давлат органига кўриб чиқиш учун киритади;

Жамғарманинг бошқарув Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди.

Жамғарма ўз вазифаларига ва қонунчиликка мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

11-модда. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

Жамғарма маблағлари:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномалари бўйича келиб тушадиган суғурта мукофотлари;

суғурта мукофотларининг бир қисми учун давлат томонидан тўланадиган бюджет субсидияси маблағлари;

тўланган ва тўланиши лозим бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қайта суғурта ташкилотларидан келиб тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия институтларининг ва чет эл ҳукумат ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблағларидан:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномалари бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга суғурта товларини тўлаш;

воситачиларга ва мустақил экспертларга хизмат ҳақини тўлаш;

Жамғарма дирекциясининг фаолиятини таъминлаш, шу жумладан ходимларга иш ҳақини тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш, қўшимча тўловлар, устамалар ва мукофотлар, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

қайта суғурта қилиш харажатларининг ўрнини қоплаш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасига хорижий мутахассисларни ва маслаҳатчиларни жалб этиш, шунингдек Жамғарма ходимларини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

12-модда. Жамғарманинг бошқарув Кенгаши

Жамғарманинг бошқарув Кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) Жамғарманинг юқори бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Кенгаш таркиби етти нафар аъзодан иборат бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирининг бир нафардан ўринбосарлари ва ушбу вазирликлардан бир нафардан масъул вакил, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмасидан, Ўзбекистон фермерлари кенгашидан ҳамда Жамғармадан бир нафардан вакил киритилади.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари раислик қилади.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга тайинланади ва ваколатлари муддати тугаганидан кейин улар янги муддатга қайта тайинланиши мумкин.

Кенгаш аъзоларини алмаштириш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ўрнига тайинланган аъзолар қолган муддатнинг якунига қадар ҳамда янги таркиб кейинги муддатга тайинлангунига қадар фаолиятни амалга оширади.

Кенгаш мажлиси ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Зарур бўлганда Кенгашда раислик қилувчининг ёки камида тўрт нафар Кенгаш аъзосининг талабига (таклифига) кўра қўшимча мажлислар ўтказилиши мумкин.

Кенгаш мажлиси, агар унда аъзоларининг камида беш нафари ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кенгаш аъзоларига улар ўз мажбуриятларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланади ва унинг миқдори Жамғарма тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Кенгаш аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамғарманинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши керак.

Кенгаш:

Жамғарманинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича унинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни, қишлоқ хўжалиги суғуртасининг намунавий шартномаси ва намунавий полисини, шунингдек суғурта мукофоти ставкасини тасдиқлайди;

Жамғарманинг жорий фаолиятга доир харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органини шакллантиради ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13-модда. Жамғарманинг ижро этувчи органи

Жамғарманинг ижро этувчи органи унинг дирекциясидир. Дирекция Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва унинг фаолияти учун жавобгар бўлади. Жамғарма дирекциясининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жамғарма дирекциясига раҳбарликни Кенгаш томонидан тайинланадиган директор амалга оширади ва у Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Жамғарма дирекцияси:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта товонини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисида хабардор қилади, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатади ва реклама кампанияларини ўтказиш чораларини кўради;

воситачиларга ва мустақил экспертларга хизмат ҳақини тўлайди;

Жамғарманинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Кенгашга таклифлар киритади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

4-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини ташкил этиш

14-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртасининг шакли

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ихтиёрий суғурта шаклида амалга оширилади, бундан ушбу Қонун 19-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси уни амалга оширишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи қишлоқ хўжалиги суғурта шартномасига ҳамда қоидаларига асосан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида қишлоқ хўжалиги суғуртасининг муҳим шартлари кўрсатилиши керак.

15-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ахборот тизими

Қишлоқ хўжалиги суғуртасини электрон тарзда расмийлаштириш, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш ва кўрсатилаётган суғурта хизматлари устидан назорат қилиш Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ахборот тизими (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Ахборот тизими мувофиқлаштирувчи давлат органи томонидан юритилади.

Қуйидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан реал вақт режимида тегишлилиги бўйича бепул асосда тақдим этилади:

ҳар кунги кутилаётган ҳамда қайд этилган об-ҳаво ва иқлим шароитлари ҳақидаги;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда жойлашган сув объектлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув кадастри тўғрисидаги;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан давлат ер кадастри ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳақидаги.

Ахборот тизимига интеграция қилиниши лозим бўлган бошқа ахборот тизимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ахборот тизими тегишли ахборот тизимларига интеграция қилингунига қадар зарур маълумотлар Жамғарманинг сўровига кўра тегишли ахборот эгалари томонидан тақдим этилади.

16-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг бўлғуси ҳосилнинг ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг йўқотилиши (нобуд бўлиши) хавфи, экинларга ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига, шунингдек иссиқхоналарга ва уларда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари қишлоқ хўжалиги суғуртасининг объектларидир.

17-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртасининг субъектлари

Жамғарма, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ва мустақил экспертлар қишлоқ хўжалиги суғуртасининг субъектларидир.

18-модда. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта мукофотларини ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун субсидиялар олиш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича аниқланган зарар миқдорини қўшимча равишда ўрганиш.

Жамғарма қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамғарма:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар томонидан суғурта мукофотлари тўланган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта жавобгарлигини зиммасига олиши;

қабул қилинган мажбуриятларни Кенгаш қарори асосида қайта суғурта қилиши;

мустақил экспертларни жалб этиши ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича чоралар кўриши;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга зарарнинг ўрни ўз вақтида қопланиши бўйича чоралар кўриши;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонунчиликка мувофиқ таъминлаши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни суғурта фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи ва мувофиқлаштирувчи давлат органининг талабига кўра тақдим этиши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш шартларига ва тўлов қобилятини аниқлаш тартибига амал қилиши;

хар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

актуар хулосасини ва ҳисоботини бир йилда камида бир марта актуар ташкилотларни жалб этган ҳолда олиши;

бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Жамғарманинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

19-модда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш истагида бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ахборот тизимида рўйхатдан ўтади ва ушбу Қонуннинг талабларига мувофиқ воситачи ёки воситачи мавжуд бўлмаган тақдирда Жамғарма билан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш учун воситачини танлаш;

воситачидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

Жамғарманинг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар қонунчиликка ва ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар:

ахборот тизимида рўйхатдан ўтиши;

суғурта мукофотини қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган муддатда тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда барча агротехник ва (ёки) зоотехник тадбирларни ўз вақтида ҳамда етарли даражада амалга ошириши;

суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида Жамғармага хабар бериши шарт.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг зиммасида қонунчиликка ва ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлатнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланганда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг йўқотилиши (нобуд бўлиши) хавфини олдиндан суғурта қилиши шарт.

20-модда. Воситачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Воситачи Жамғарма номидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш ва тузилган суғурта шартномаси бўйича хизмат ҳақи олиш;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида назарда тутилган тартибда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текшириш, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг тегишли талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш.

Воситачи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Воситачи Жамғарма номидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузишда:

ахборот тизимда рўйхатдан ўтиши;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонунчилик талабларига мувофиқ таъминлаши шарт.

Воситачининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Воситачининг қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш соҳасидаги фаолияти, шу жумладан, уларнинг Жамғарма билан муносабатларининг хусусиятлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Мустақил эксперт

Суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ўрганиш, суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектини кўздан кечириш, суғурта ҳодисаси мавжудлигини, шунингдек суғурта ҳодисаси сабабли етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш мустақил эксперт томонидан амалга оширилади.

Мустақил эксперт ахборот тизимида юритиладиган реестрда рўйхатдан ўтган бўлиши ва Жамғарма томонидан бериладиган гувоҳномага эга бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги суғуртасидаги йўқотишларни баҳолаш учун чет эл экспертлари жалб этилиши мумкин.

Мустақил экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда унга доир малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мустақил экспертнинг хизмат ҳақи Жамғарма томонидан ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

Мустақил эксперт қишлоқ хўжалиги суғуртасининг объекти билан боғлиқ таваккалчиликлар ва зарар тўғрисидаги хулосани ахборот тизимида киритади.

22-модда. Қайта суғурта қилиш

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурталанган таваккалчиликлар Жамғарма томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қайта суғурта қилиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси таваккалчиликларини қайта суғурта қилиш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

5-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш шартлари ва тартиби

23-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш

Суғурта қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва таваккалчиликларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

24-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси ва унинг иштирокчилари

Намунавий қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси воситачи хизматларидан фойдаланилган ҳолда ёки тўғридан-тўғри Жамғарма томонидан тузилади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси ахборот тизими орқали электрон шаклда тузилади, бошқача усулда тузилган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида суғурта мукофотини тўлаш тартиби ва муддатлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта товонини тўлаш мажбурияти Жамғарманинг зиммасига ўтиши шартлари кўрсатилиши керак.

Суғурта мукофотининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи томонидан тўланадиган қисми тўланганидан кейин унга суғурта полиси тақдим этилади.

Воситачи ёки воситачи мавжуд бўлмаган тақдирда Жамғарма ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг иштирокчилари ҳисобланади.

25-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидалари

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидалари Кенгаш томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларининг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

суғурта объектлари;

суғурта ҳодисалари;

суғурта таваккалчиликлари;

суғурта суммасини, суғурта тарифини ва суғурта мукофотини аниқлаш тартиби;

суғурта шартномаларини тузиш, бажариш ва бекор қилиш тартиби;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

зарар миқдорини аниқлаш тартиби;

суғурта товонини аниқлаш тартиби;

суғурта товонини амалга ошириш муддатлари, шунингдек суғурта товонини рад этиш асосларининг батафсил рўйхати ва бошқа қоидалар.

26-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг иштирокчилари ўртасида электрон ахборот алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг иштирокчилари ўртасида ахборот тизимидан фойдаланилган ҳолда қуйидагилар амалга оширилади:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш тўғрисида ариза бериш, уни ўзгартириш ёки муддатидан олдин бекор қилиш;

суғурта товонини олиш мақсадида суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги билдиришномани, суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги аризани ва (ёки) бошқа ҳужжатларни электрон шаклда яратиш ҳамда юбориш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш учун ахборот тизимига кириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб

чиқарувчи томонидан идентификациялаш ва аутентификациялаш тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи воситачининг ёки Жамғарманинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси шартлари тўғрисидаги офертани (қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини тузиш ҳақидаги таклифни) қабул қилган ва суғурта мукофотининг белгиланган қисмини тўлаш орқали ўз розилигини берган бўлса, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

27-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофоти

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси объектининг ва таваккалчилигининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига асосан белгиланадиган суғурта суммаси бирлигидан ундириладиган, Кенгаш томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ҳар бир тури учун тасдиқланадиган тўлов қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофоти ставкасидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотининг 50 фоизини Жамғармага тўлайди.

Суғурта мукофотининг қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан Жамғармага қопланади.

28-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофотининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қисми

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта мукофотининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қисми қуйидаги шартларга риоя этилганда Жамғармага тўланади:

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларига мувофиқ тузилганда;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида назарда тутилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти тўлиқ тўланганда.

Суғурта мукофотининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қисми ҳар бир молия йили учун қабул қилинадиган навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда назарда тутилади.

Жамғарма суғурта мукофотининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қисми учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳар ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмай буюртманома тақдим этади.

29-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш

Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича мулкӣ манфаатлари суғурта қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга суғурта товонини тўлаш учун мустақил экспертнинг хулосаси асос бўлади.

Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берганлиги тегишли далиллар асосида тасдиқланганда, қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мустақил экспертнинг хулосаси ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги далилларни қайта ўрганиб чиқиш зарур деб топилса, Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасининг тарафлари иштирокида қўшимча ўрганиш ташкил этилади ва зарар қасддан қилинган ҳаракатлар натижасида етказилган деб ҳисобланса, суғурта товонини тўлаш рад этилади.

6-боб. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш**30-модда. Суғурта ҳодисасини кўриб чиқиш**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида уч кун ичида ахборот тизими орқали кўриб чиқиш учун Жамғармага электрон шаклда хабарнома юборади.

Жамғарма қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларида белгиланган муддатларда суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида хабарномани ўрганиш бўйича мустақил экспертни тайинлайди ва суғурта ҳодисасининг ўрганилишини таъминлайди.

Суғурта ҳодисасини ўрганишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчидан суғурта ҳодисаси юз берганлигининг сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳужжатлар ахборот тизими орқали сўраб олинади.

Мустақил экспертни тайинлаш ва суғурта ҳодисаси натижасида зарар кўрган суғурта объекти бўйича экспертиза ўтказиш шартлари қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларида ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

31-модда. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича суғурта товонларини тўлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларига мувофиқ мустақил экспертнинг хулосаси ва суғурта товони учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Жамғарма суғурта ҳодисасини тан олиш ҳақида ёки тан олишни рад этиш тўғрисида ўн иш куни ичида қарор қабул қилади ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчини ахборот тизими орқали хабардор қилади.

Суғурта ҳодисасини тан олишни рад этиш тўғрисидаги қарорда рад этиш асосларини Жамғарма қонунчилик ҳужжатларига ҳавола қилган ҳолда, шунингдек қишлоқ хўжалиги суғуртаси қоидаларидан ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасидан келиб чиққан ҳолда аниқ кўрсатиши шарт.

Суғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Жамғарма суғурта товонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчига уч иш куни ичида тўлаб беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи суғурта товонини тўлашни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

32-модда. Ортиқча зарарнинг ўрнини қоплаш

Агар Жамғарманинг ўз маблағлари ва қайта суғурта қилишдан олинган маблағлар зиммасига олинган мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса, мажбуриятларнинг қопланмаган қисми Жамғармага Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

33-модда. Ахборот олиш ҳуқуқи

Гидрометеорология, фавқулудда вазиятлар, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ўсимликларни ҳимоя қилиш, сейсмология, ветеринария бўйича ташкилотлар ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар суғурта ҳодисаларининг рўй бериши сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек суғурта товони миқдорларини Жамғарма ва мустақил экспертлар томонидан аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни Жамғарманинг ва мустақил экспертларнинг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Мувофиқлаштирувчи давлат органи Жамғармага келиб тушган пул маблағлари ва мажбуриятларнинг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни ўз ваколатлари доирасида талаб қилишга ҳақли. Бундай ахборотни сўраш сўров сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда амалга оширилиши керак.

Мувофиқлаштирувчи давлат органи ўзи олган ахборотга нисбатан махфийликка риоя этиши шарт, бундан қонунчиликка мувофиқ ахборотнинг ошкор этилишига йўл қўйиладиган ҳоллар мустасно.

34-модда. Монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслиги

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасидаги рақобатни чеклашга, бир воситачига ёки мустақил экспертга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Жамғармага воситачилар билан қишлоқ хўжалиги суғуртасини монополлаштиришга қаратилган битимларга киришиш тақиқланади.

35-модда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар воситачиларни танлашда эркиндир. Воситачилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг талабига кўра уларни суғурта хизматларини кўрсатиш шартлари билан таништириши шарт.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни муайян воситачининг ёки муайян мустақил экспертнинг хизматларидан фойдаланишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

36-модда. Воситачиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари

Давлат воситачиларнинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларига ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини, суғурта фаолиятини амалга оширишда эркин рақобат учун шароитларни кафолатлайди.

Жамғарманинг ва воситачиларининг фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аралашиш тақиқланади.

37-модда. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

40-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

41-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 9-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги Низом ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида тасдиқланишини таъминласин;

ушбу Қонун 15-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ахборот тизимига интеграция қилиниши лозим бўлган бошқа ахборот тизимларининг рўйхатини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида белгиласин;

ушбу Қонун 21-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган мустақил экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ҳамда унга доир малака талабларини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида белгиласин;

ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган суғурта қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва таваккалчиликларнинг турлари ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида тасдиқланишини таъминласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

42-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 апрель,
ЎРҚ–1056-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**158** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 21 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда капитал бозорини ва суғурта бозорини, шунингдек электрон тижорат соҳасини, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга рақамли технологияларнинг ва электрон тўловларнинг барча соҳаларга жадал равишда жорий этилиши аҳоли ўртасида таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинларнинг тарқалишига олиб келди. Бунда Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги, фуқароларнинг ушбу ўйинларга доимий равишда қизиқиб бориши хорижий ва ноқонуний сервислардан фаол фойдаланишга сабаб бўлмоқда.

Ушбу Қонун билан қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг зиммасига капитал бозорини, суғурта бозорини тартибга солиш, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича ваколатларни юклатувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига акциядорларнинг дивидендлар тўланишига доир ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, акциядорлик жамиятлари ходимларига акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуқ берилишига қаратилган, акциядорлик жамиятларида веб-сайтлар мавжуд бўлишининг мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни ва улар томонидан ахборотнинг ошкор этилиши тартиби талабларини соддалаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонун билан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига суғурта ташкилотлари раҳбарияти ва мулкдорларининг ишчанлик обрўсига қўйиладиган талаблар киритилмоқда.

Шунингдек мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказиш тартибини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун суғурта бозорини ва капитал бозорини янада ривожлантиришга, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тартибга солишга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 апрелда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги 625–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–375-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 246-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **9-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисмдаги «ва фонд» деган сўзлар чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фонд биржаларининг фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан амалга оширилади»;

иккинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «валюта биржасининг» деган сўзлар «валюта биржасининг, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модда биринчи қисмининг йигирма биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар, «Миллий клиринг маркази» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Миллий клиринг маркази деб юритилади) ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси учун ҳисобварақлар очади»;

3) **12-модданиннг биринчи қисми:**

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкларнинг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржалари ва кредит бюроларининг фаолиятини лицензиялайди, банкларнинг, шунингдек нобанк кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, Миллий клиринг марказининг, кредит бюроларининг ва банклар гуруҳларининг фаолиятини тартибга солади ҳамда ушбу фаолият устидан назоратни амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг қимматли қоғозларга доир битимларнинг натижалари бўйича пул маблағлари ҳисоб-китобларига оид фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади»;

ўн биринчи — йигирма учинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **20-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ва Миллий клиринг марказини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

ўн бешинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн олтинчи — ўттизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **10-бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10-боб. Кредит ташкилотларининг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, кредит бюроларининг ва банклар гуруҳларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда) **56-боби** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«56-боб. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказиш

983-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни, шу жумладан гаров ўйинларини ташкил этиш ёки уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблари судда ҳимоя қилинмайди, бундан ушбу ўйинларда алдов, зўравонлик, таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вакилининг мазкур ўйинлар ташкилотчиси билан ғаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари ва ушбу Кодекснинг 984-моддасида кўрсатилган муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар мустасно.

984-модда. Лотереялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ва букмекерлик гаровларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Лотереяларнинг, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларнинг ва букмекерлик гаровларининг (бундан буён матнда ўйинлар деб юритилади) ваколатли давлат органидан лицензия олган ташкилотчилари ҳамда ўйинларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади ва шартномага асосланади. Ўйинларнинг ташкилотчиси ва иштирокчиси ўртасидаги шартнома чипта, квитанция бериш орқали ёки ўйинни ташкил этиш қоидаларида назарда тутилган бошқа усулда расмийлаштирилади ҳамда иштирокчи чипта қийматини тўлаган ёки ўйинга пул тиккан пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

Қонун ҳужжатлари билан алоҳида тоифадаги шахсларнинг ўйинларда иштирок этиши тақиқланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартномани тузиш тўғрисидаги таклиф ўйинларни ўтказиш муддати ҳамда ютуқни аниқлаш тартиби ва унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Ўйинларнинг ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишни рад этган тақдирда, ўйинларнинг иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан ўйинлар қолдирилганлиги ёки уларнинг муддати кўчирилганлиги туфайли етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ўйинларни ўтказиш шартларига мувофиқ ролиб деб эътироф этиладиган шахсларга ўйинларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пулда ёки натурада) ва муддатда, агар ушбу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, ўйинларнинг натижалари аниқланган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа муддатда ўйинлар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўланиши керак.

Ўйинларнинг ташкилотчиси ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, ўйинда ролиб бўлган иштирокчи

ўйинлар ташкилотчисидан ютуқни тўлашни, шунингдек ўйинлар ташкилотчиси томонидан шартнома бузилганлиги туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда жамият ходимлари жамият томонидан жорий қилинадиган акциялар бирламчи оммавий жойлаштирилганда ходимларнинг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга»;

2) **50-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарнинг акциялари фонд бозорида оммавий жойлаштириш йўли билан жойлаштирилган тақдирда, камида етти йил давомида ушбу корхоналар соф фойдасининг камида 30 фоизи дивидендларни тўлашга йўналтирилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар мустасно.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар)

ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобилъ телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади»;

3) 51-модданинг:

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда акциядорлик жамияти акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас»;

олтинчи қисми чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) 79-модда қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ахборот ва ҳисоботлар бир йил ичида икки ва ундан ортиқ мартаба ўз вақтида ошкор этилмаган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ижроия органини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида кўрсатма киритишга ҳақли»;

5) 106-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилиши мажбурий бўлган барча ахборотни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида эълон қилиши шарт.

Фонд биржаси акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият уставининг матнини Корпоратив ахборотнинг ягона портали ахборот тизимидан маълумотларни олиш орқали, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни фонд биржасининг расмий веб-сайтида эълон қилиши шарт.

Фонд биржаси ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу Қонунда назарда тутилган ахборот эълон қилинганлиги учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан 72 соат ичида эълон қилиниши керак.

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида ва Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ахборотнинг ошкор қилинганлиги жамиятни қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат органларининг ёзма сўровига кўра ахборот тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Жамият ўзи ва аффилиланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги

ахборотни битим тузилган пайдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ошкор этиши шарт.

Жамият ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни ва (ёки) бошқа ахборотни ўзининг расмий веб-сайтида ўз хохишига кўра ошкор этишга ҳақли».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида**»ги 660–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда; 2009 йил, № 4, 139-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) **12-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

иккинчи ва **учинчи хатбошилар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, «Миллий клиринг маркази» акциядорлик жамияти;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти;

бешинчи хатбоши «суғурталовчилар» деган сўздан кейин «(қайта суғурталовчилар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 10, 1079-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдориди Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигига йиғим тўлайди»;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга

кўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **12-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ахборот ва ҳисоботлар бир йил ичида икки ва ундан ортиқ маротаба ўз вақтида ошкор этилмаган тақдирда, бартараф этилгунига қадар тўхтатиб турилади»;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **16-модданинг:**

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **24-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификати бўлган камида икки ходимга эга юридик шахсларгина (бундан инвестиция фонди мустасно) қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификати беш йил муддатга берилади»;

5) **33-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **38-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш, уларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги фаолияти қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан, қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пул маблағлари ҳисоб-китобларига оид фаолияти эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади»;

7) **40-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларнинг миллий ҳамда хорижий валютада банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакиллик ҳисобварақларини очишга ва юритишга;

хорижий банклар ва марказий депозитарийларда вакиллик ҳисобварақларини очишга»;

тўртинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8) 44-модда:

олтинчи қисми «б» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «ва ўзининг расмий веб-сайтига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **еттинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Эмитент қонунчиликка мувофиқ бошқа ахборотни ҳам ошкор қилиши мумкин. Бунда эмитент ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни ва (ёки) бошқа ахборотни ўзининг расмий веб-сайтида ўз хоҳишига кўра ошкор этишга ҳақли.

Расмий веб-сайт мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилмаган акциядорлик жамиятларига нисбатан татбиқ этилмайди, бундан давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган акциядорлик жамиятлари мустасно.

Агар эмитентнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, ушбу моддада назарда тутилган ахборотни мажбурий равишда ошкор этиш Корпоратив ахборотнинг ягона портали ахборот тизимидан олинган маълумотларга асосан фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

Фонд биржаси ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу моддада назарда тутилган ахборот эълон қилинганлиги учун ҳақ ундиришга ҳақли эмас»;

9) 50-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 55-модданинг иккинчи қисми:

учинчи хатбошиси «қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензиялайди» деган сўзлардан кейин «мазкур соҳада рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга оширади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «гувоҳномалари» деган сўз «сертификатлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг Ягона давлат реестрини юритиш тартибини белгилайди;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси хизматлари учун тарифларнинг миқдорларини келишади»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари тегишинча **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **128-модданинг учинчи қисми** «товар-хомашё биржаларида» деган сўзлардан кейин «крипто-биржаларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **297-модда учинчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташлансин;

3) **304-модда биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **23-банд** билан тўлдирилсин:

«23) РЕПО операциялари бўйича даромад»;

4) **324-модда** чиқариб ташлансин;

5) **327-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қуйидаги битимлар тузилганда сотувчи томонидан (бундан эмитент мустасно) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига қуйидаги йиғимлар тўланади:

а) қимматли қоғозларга доир ташкил этилган биржадан ташқари савдоларда битим суммасининг 0,3 фоизи миқдоридagi йиғим;

б) эмиссиявий қимматли қоғозларга доир биржа савдоларида битим суммасининг 0,01 фоизи миқдоридagi йиғим.

Сотувчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ушбу модданинг ўн олтинчи қисмида кўрсатилган, тузилган битимлар бўйича даромадларига фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди»;

ўн олтинчи — ўттиз бешинчи қисмлари тегишинча **ўн саккизинчи — ўттиз еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **375-модданинг 8-банди** чиқариб ташлансин;

7) **378-модданинг 23-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23) солиқ тўловчилар иш ҳақининг ва бошқа даромадларининг солиқ даври давомида қимматли қоғозларнинг маҳаллий бозорида чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган қисми, қуйидаги барча шартлар бажарилган тақдирда:

йўналтирилган маблағларнинг жами суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг юз бараваридан ошмайдиган миқдорни ташкил этади;

пул маблағлари шахсий инвестиция ҳисобварағига биринчи марта ўтказилган санадан бошлаб ўн икки ой ичида қайтариб олинмайди. Бунда ой давомида шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг йигирма бараваридан ошиши мумкин эмас;

шахсий инвестиция ҳисобварағидаги пул маблағларидан қимматли қоғозлар олиш учун фойдаланилади.

Ушбу банднинг шартлари бузилган тақдирда, шахсий инвестиция ҳисобварағидаги маблағларга тўлов манбаида солиқ солиниши лозим»;

8) **468-модданинг учинчи қисмидаги** «4, 5» рақамлари «5» рақами билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 31-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг 11-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модда биринчи қисмининг 10³-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **илованинг:**

1-банди «ж» кичик бандининг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ. Оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, туғилган вақти фактларини аниқлаш ҳақидаги, шунингдек жисмоний шахсни таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган шахслар рўйхатида киритиш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ундирилмайди»;

30-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

30. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи	
а) суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти	— БҲМнинг 10 баравари
б) фонд биржаси фаолияти ва қимматли қоғозларга доир биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолияти	— БҲМнинг 4 баравари
в) лотереялар ташкил этиш фаолияти	— БҲМнинг 18 500 баравари
г) букмекерлик фаолияти	— БҲМнинг 37 000 баравари
д) Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолияти	— БҲМнинг 37 000 баравари

Изоҳ. «г» ва «д» кичик бандларда назарда тутилган давлат божларининг миқдорлари давлат божини тўлаш кунда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида кўпайтирилган миқдорда бир йиллик миқдори ҳисобидан белгиланган. Давлат божи белгиланган миқдорларда ҳар йили тўланади.

Навбатдаги йиллик тўлов лицензия олинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан камидан 30 кун олдин тўланади, навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилади.

«в», «г» ва «д» кичик бандларда назарда тутилган лицензияларни ўзгартирилганлик учун мазкур кичик бандларда белгиланган давлат божларининг 50 фоизи миқдоридан давлат божи тўланади.

«в», «г» ва «д» кичик бандларда назарда тутилган лицензияларни қайта расмийлаштирилганлик учун БҲМнинг 500 баравари миқдоридан йигим ундирилади.»;

42-банди чиқариб ташлансин;

43-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

43. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи	
товар-хом ашё биржаси фаолияти	— БҲМнинг 4 баравари

».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–684-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 11, 1288-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **34-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарга хизмат кўрсатувчи андеррайтерлар томонидан қимматли қоғозлар шартномада назарда тутилганлигидан юқориқ нархда ва (ёки) кўпроқ миқдорда жойлаштирилган тақдирда андеррайтерларнинг хизматлари учун шартнома бошланғич суммасининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда ҳақ тўланишига рухсат этилади»;

2) **71-модда биринчи қисмининг 14-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) қўшимча ишларни ва хизматларни амалга ошириш учун шартнома умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги харажатлар, бундан ушбу Қонун 34-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тегишли фаолият соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

2) **16-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«лотереялар ташкил этиш фаолияти;

букмекерлик фаолияти;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолияти»;

иккинчи қисмидаги «Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар «Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **олтинчи ва еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«букмекерлик фаолияти;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолияти»;

4) 1-илованинг:

8-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

8.	Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти учун лицензия	Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) суғурта фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
		суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.	

»;

33-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

33.	Биржа фаолияти учун лицензия	Фонд биржаси фаолияти ва қимматли қоғозларга доир биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
		валюта биржаси фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
		товар-хом ашё биржаси фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

»;

46-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

46.	Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун лицензия	Лотереялар ташкил этиш фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
		букмекерлик фаолияти;	
		Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолияти.	

»;

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги белгиланган тартибда:

а) таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган шахслар рўйхатини юритади.

Таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган шахслар рўйхатига жисмоний шахслар қуйидаги муддатларга киритилади:

6 ойдан 5 йилгача муддатга — таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган жисмоний шахснинг аризаси асосида;

5 йил муддатга — таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган жисмоний шахс яқин қариндошларининг аризаси асосида суд қарорига кўра;

б) Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотереялар ва букмекерлик фаолияти ташкилотчилари томонидан

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда жарима солади»;

47-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

47.	Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият учун лицензия	Инвестиция воситачисининг фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
		инвестиция ишончли фаолияти.	

»;

5) 2-илованинг:

49-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

49.	Суғурталовчини (қайта суғурталовчини) қайта ташкил этишга доир рухсатнома	Суғурталовчини (қайта суғурталовчини) қайта ташкил этиш.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
-----	---	--	---

»;

50-позицияси чиқариб ташлансин;

6) 3-илованинг 4-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

4.	Инвестиция маслаҳатчиси фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома	Инвестиция маслаҳатчиси фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
----	---	-----------------------------------	---

»;

7) 4-илованинг:

I бўлими:

7-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

7.	Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти учун лицензия	300
----	--	-----

»;

40-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

40.	Букмекерлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия	2000
-----	--	------

»;

қуйидаги мазмундаги **55** ва **56-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

55.	Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия	500
56.	Интернет жаҳон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия	2000

»;

II бўлимининг:

40-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

40.	Суғурталовчини (қайта суғурталовчини) қайта ташкил этишга доир рухсатнома	100
-----	---	-----

»;

41-позицияси чиқариб ташлансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–730-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1062-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-боб. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига, устав фондининг (устав капиталининг) анча улушига эга бўлган мулкдорларига ва бенефициарларига қўйиладиган талаблар»;

3) **38-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38-модда. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига, устав фондининг (устав капиталининг) анча улушига эга бўлган мулкдорларига ва бенефициарларига қўйиладиган қўшимча талаблар

Қуйидаги шахслар суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбари (бош бухгалтер) этиб тайинланиши, шунингдек суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг

устав фондининг (устав капиталининг) анча улушига эга бўлган мулкдори ва бенефициари бўлиши мумкин эмас:

рахбар (бош бухгалтер) томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинишига олиб келганлиги ҳақидаги фактлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу юридик шахс банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга қадар бир йил давомида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлган;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган;

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳамда терроризмни молиялаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг устав фондининг (устав капиталининг) анча улушига эга бўлган мулкдорларига ва бенефициарларига қўйиладиган талабларни амалга ошириш механизми ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг устав фондининг (устав капиталининг) анча улуши миқдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланади»;

4) **62-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этади».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Электрон тижорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–792-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 9, 896-модда) **7-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

15-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 11-моддасининг 2 ва 3-бандлари ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 апрель,
ЎРҚ–1057-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**159** Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш амалиёти такомиллаштирилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларига етарлича ёрдам кўрсатиш, янги хизматлар турларини жорий этиш, шунингдек халқаро молия институтларининг маблағларини тўғридан-тўғри жалб этиш имконини яратиш мақсадида амалда тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг мажбуриятлари бўйича кафилликлар бериш ваколатларига эга бўлган институтнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти шаклига ўзгартирилди.

Шу билан бирга бозор муносабатларини янада ривожлантириш шароитларида тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг янгича ва муқобил воситаларини ишлаб чиқишга, айниқса, тадбиркорлик субъектларига кафолат (кафиллик) тарзида ёрдам кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек банк кредитларига муқобил бўлган пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) механизмларини такомиллаштиришга катта эҳтиёж мавжуд.

Ушбу Қонун билан юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит ташкилоти олдидаги мажбуриятини бажариш бўйича кафолатлар (кафилликлар) бериш орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширувчи, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахсларни ташкил этиш учун ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Бундан ташқари мазкур Қонун билан пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштирилмоқда, хусусан, қонун ҳужжатларига факторинг ташкилоти тушунчасини жорий этишга, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги хабарномани гаров реестрида рўйхатдан ўтказиш, агар мижознинг контрагенти норезидент бўлса, факторинг операцияларини чет эл валютасида амалга ошириш тартибини белгилашга, шунингдек молия агент-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 апрелда эълон қилинган.

лари ва қарздорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ва бизнесни молиялаштиришнинг самарали воситаларини жорий этишга, шу жумладан пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) бўйича замонавий қонунчилик базасини яратишга, факторинг операцияларини ривожлантиришга ва татбиқ этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1062-модда; 2024 йил, № 10, 1079-модда) **35-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли микроқарзларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар — фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширувчи ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–573-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 672-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 215-модда) **17-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мижознинг (кредиторнинг) контрагенти норезидент бўлган тақдирда, кредит ташкилотлари томонидан пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш операциялари»;

ўн учинчи ва **ўн тўртинчи хатбошилар** тегишинча **ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил,

№ 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 11-модданинг биринчи қисми:

ўнинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«банклар фаолиятини лицензиялашда, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни, факторинг ташкилотларини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ва кафолатлар бериш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишда, шунингдек банклар, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, кафолатлар бериш ташкилотлари, факторинг ташкилотлари, ломбардлар ва банклар гуруҳлари фаолиятини тартибга солишда ҳамда назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланади»;

ўн тўққизинчи хатбошиси «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларидаги» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотларидаги, факторинг ташкилотларидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

йигирма учинчи хатбошиси «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотлари, факторинг ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кредит ташкилоти бўлмаган шахслар томонидан ташкил этилган электрон факторинг платформаларининг ахборот тизимлари хавфсизлигига, киберхавфсизлигига ва уларни IT-аудитдан ўтказишга доир талабларни белгилайди ҳамда мазкур талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади»;

йигирма бешинчи хатбоши йигирма олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 16-модда:

биринчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банкнинг ички аудиторлик хизмати ўз фаолиятида Марказий банк бошқаруви ва Аудиторлик қўмитасига ҳисобдордир»;

иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банкда уч нафар мустақил аъзодан иборат бўлган Аудиторлик қўмитаси ташкил этилади.

Аудиторлик қўмитасининг аъзолари Марказий банк бошқаруви томонидан тайинланади. Бунда Марказий банк бошқарувининг мустақил аъзоларидан бири Аудиторлик қўмитасининг раиси бўлиши ҳамда Аудиторлик қўмитасининг бир нафар аъзоси бухгалтерия ҳисоби ёки аудит соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик қўмитасининг ваколатлари ва фаолиятининг регламенти, унинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек унинг аъзоларига нисбатан талаблар Марказий банк бошқаруви томонидан белгиланади.

Марказий банк бошқаруви томонидан берилган ваколатлар доирасида Аудиторлик қўмитаси Марказий банкда молиявий ҳисоботлар тайёрланиши жараёни ва ички аудит хизмати фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, хатарларни бошқариш ва ички назорат тизимларининг самарадорлигини кузатиб бориш ҳамда ташқи аудитнинг сифатли ўтказилишини таъминлаш бўйича вазифаларни бажаради»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) 20-модданинг:

саккизинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотлари ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлар «микромолия ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, кафолатлар бериш ташкилотлари ҳамда факторинг ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини, кафолатлар бериш ташкилотларини ва факторинг ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида, шунингдек улар ҳақидаги маълумотларни тегишли реестрлардан чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

4) 33-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ликвидлиликнинг вақтинчалик тақчиллиги юзага келганда тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк ликвидлиликни сақлаб туриш учун тўловга қобилиятли ва барқарор тижорат банкларига олти ойгача бўлган муддатга қисқа муддатли кредитлар тарзида тезкор ёрдам беришга ҳақли. Мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг бошқа кредитларига доир амалдаги ставкалардан кам бўлмаслиги ва у банкнинг активлари билан таъминланган бўлиши керак.

Тижорат банки фавқулодда қўллаб-қувватлаш кредитларини олиш учун Марказий банкка мазкур кредитни ўз вақтида тўлаш ва ликвидлилик ҳолатини тиклаш бўйича тадбирлар режасини тақдим этиши керак.

Мамлакатнинг молиявий тизими барқарорлигига таҳдид туғилган алоҳида ҳолларда Марказий банк бошқарувининг қарори билан кредитни нисбатан юқори фоиз ставкасида бир йилгача бўлган муддатга беришга йўл қўйилади»;

5) 60-модданинг учинчи қисми «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрини» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотлари реестрини, факторинг ташкилотлари реестрини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 61-модда:

биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлар «микромолия ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, кафолатлар бериш ташкилотлари ва факторинг ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ва кредит бюроларининг» деган сўзлар «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг, кредит бюроларининг, кафолатлар бериш ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 65-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«кафолатлар бериш ташкилоти фаолиятини амалга оширишга;

факторинг ташкилоти фаолиятини амалга оширишга»;

ўн олтинчи ва **ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўн саккизинчи** ва **ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбошисидаги «ўн» деган сўз «йигирма» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ушбу модданинг ўн саккизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳажмдаги улуши олувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинаётганда»;

8) 65¹-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«факторинг ташкилотининг филиалини очиш ёки ёпиш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоиздан йигирма фоизгача ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олиш»;

9) 67-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни тегишинча микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан, кафолатлар бериш ташкилотлари реестридан, факторинг ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариб ташлашга».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда,

№ 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **42-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42-боб. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг)»;

2) **749-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«749-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) тўғрисидаги умумий қоидалар

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга — юридик шахсга ёки тадбиркорлик субъектига (қарздорга) пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ воз кечиладиган пул талабномаси:

товарларни беришдан, шу жумладан ижарага беришдан;

ишларни бажаришдан ёки хизматлар кўрсатишдан;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкый ҳуқуқларни ўтказишдан келиб чиқиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси ушбу Кодекс 751-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ пул талабномасини тавсифлаб берган ҳолда ёзма равишда тузилади.

Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш

шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Мажбуриятни бажариш таъминоти сифатида молия агенти фойдасига воз кечилган пул талабномасига нисбатан ушбу Кодекснинг гаровга тегишли қоидалари қўлланилади, бундан ушбу Кодекснинг 269, 273 — 278, 288 ва 289-моддаларида назарда тутилган қоидалар мустасно.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасига нисбатан ушбу Кодекснинг мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши тўғрисидаги қоидалари қўлланилади, бундан ушбу Кодекснинг 319 ва 321-моддаларида назарда тутилган қоидалар мустасно»;

3) **750-модда** «банклар» деган сўздан кейин «факторинг ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **751-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасини идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар бўлиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Молия агентининг пул талабномасига бўлган ҳуқуқи мазкур талабномадан келиб чиқадиган барча даромадларга нисбатан татбиқ этилади»;

5) **752-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижоз қарздорнинг мижозга нисбатан қарши талаблари мавжудлиги тўғрисида ахборот тақдим этилиши ва бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қарздор бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун мижоз жавобгар бўлмайди»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мижоз пул талабномасини учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши керак»;

6) **753-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижоз ва молия агенти пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишга доир тақиқни ёки чекловни бузганлиги учун қарздор олдида жавобгар бўлмайди»;

7) **754-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия агентининг пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишига нисбатан ушбу бобнинг қоидалари қўлланилади»;

8) 755-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарздорнинг розилигисиз пул мажбуриятининг валютаси ва у амалга ошириладиган мамлакат ўзгартирилиши мумкин эмас»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) 756-модданинг:

биринчи қисмидаги «мижоз эса молия агенти олган суммалар у сотиб олган талабноманинг баҳосидан кам бўлиб чиққанлиги учун агент олдида жавобгар бўлмайди» деган сўзлар «мижоз эса молия агенти олган суммалар у сотиб олган талабноманинг баҳосидан кам бўлиб чиққанлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар мижознинг мажбуриятлари молия агентига бажарилишини таъминлаш мақсадида пул талабномасидан унинг фойдасига воз кечилган бўлса ва пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, молия агенти мижозга ҳисобот тақдим этиши ҳамда мижознинг пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзидан ортиб қолган суммани мижозга бериши шарт. Агар молия агенти қарздордан олган пул маблағлари мижознинг молия агентига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзи суммасидан кам бўлиб чиқса, мижоз қарзнинг қолдиғи учун молия агенти олдида жавобгар бўлиб қолаверади»;

10) 757-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия агенти қарздордан тўловни амалга оширишни талаб қилган тақдирда, қарздор ушбу Кодекснинг 343, 344 ва 345-моддаларига мувофиқ, ўзининг мижоз билан тузилган шартномага асосланган, қарздор пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзма билдиришнома олган пайтда ихтиёрида бўлган ўз пул талабномаларини ҳисобга олиш учун тақдим этишга ҳақли.

Мижоз қарздор билан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қарздорнинг пул талабномаларини ҳисобга олишга бўлган ҳуқуқларини молия агентига тақдим этмаслик тўғрисида ёзма шаклда келишиши мумкин»;

11) 758-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижоз қарздор билан тузган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор молия агентига ўтган пул талабномаси бўйича тўланган суммаларни молия агентидан қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Қарздор пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш натижа-сида молия агентига тўланган суммаларни, агар молия агенти талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ ваъда қилинган тўловни мижозга тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки мижоз талабномадан бош-

қа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ тўловни олиши керак бўлган қарздор олдидаги мажбуриятини бузганлигини била туриб, бундай тўловни амалга оширганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу суммалар молия агенти томонидан қайтарилишини талаб қилишга ҳақли»;

12) **42-боб** қуйидаги мазмундаги **758¹** ва **758²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«758¹-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни рўйхатдан ўтказиш

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги билдиришнома гаров реестрида рўйхатдан ўтказилгандан кейин пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш учинчи шахсларга нисбатан кучга эга бўлади.

758²-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномалари бўйича молия агентларининг талабларини қаноатлантириш тартиби

Айнан бир мижоз томонидан айнаи бир пул талабномасидан ёки унинг бир қисмидан бошқа шахс фойдасига бир мартадан ортиқ воз кечиш амалга оширилган тақдирда, молия агентларининг талаблари навбат тартибида қаноатлантирилади.

Пул талабномаси бўйича талабларни қаноатлантириш навбати пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги билдиришнома гаров реестрида рўйхатдан ўтказилган вақт асосида белгиланади. Бунда молия агентларининг талабларини қаноатлантириш навбати пул талабномасига бўлган ҳуқуқ гаров реестрида рўйхатдан ўтказилган пайтга қадар ёки ундан кейин юзага келганлигидан қатъи назар қўлланилади.

Пул талабномасига бўлган ҳуқуқлар навбати ушбу Кодекс 751-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ молия агенти ҳуқуққа эга бўлган ҳар қандай даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

13) 1190-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномасида — мижоз»;

ўн олтинчи хатбошиси ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил,

№ 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномасига асосан талаб қилиш ҳуқуқини олиш ёки бошқа шахсга бериш»;

2) **7-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «суғурта» деган сўздан кейин «факторинг» деган сўз билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 октябрда қабул қилинган «**Гаров реестри тўғрисида**»ги ЎРҚ–356-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 264-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**кредитор** — қарздордан ўзининг мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш, мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда эса — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйилган қарздорнинг мол-мулки ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ҳисобига ўз талабларининг имтиёзли равишда қаноатлантирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича пул талабномасини сотиб олган молия агенти»;

бешинчи хатбошиси «қарздор» деган сўздан кейин «ёки пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича пул талабномасидан воз кечувчи шахс (бундан буён матнда пул талабномасидан воз кечувчи шахс деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **5-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«гаров реестридаги ахборотни қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс — солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имкониятини таъминлайди»;

3) **8-модданинг иккинчи хатбошиси** «лизинг» деган сўздан кейин «пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **9-модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс ва кредитор тўғрисидаги ахборот (жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки юридик шахслар учун — номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва солиқ тўловчининг идентификация рақами);

қарздорнинг мол-мулки, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ва кредиторнинг бу мол-мулкка ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқига бўлган ҳуқуқлари тавсифи, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси учун эса — воз кечилган пул талабномасининг тавсифи»;

5) 10-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредитор сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан ёзув кириши қарздорнинг ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг розилиги билан амалга оширилади. Қарздорнинг ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг розилиги қарздорнинг ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг идентификация маълумотлари, шунингдек кредиторнинг қайси мол-мулкка ҳуқуқи ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бўлса, ўша мол-мулк ёки ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кўрсатилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштирилади. Қарздорнинг ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг ёзма розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунига қадар кредиторда сақланиши керак»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс ёзувни но-холис ва ишончсиз деб ҳисобласа ва кредитор уни чиқариб ташлашни ёки ўзгартиришни рад этса, киритилган ёзувга доир эътирозлар қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс сифатида қатнашаётган фойдаланувчи томонидан гаров реестрига киритилади»;

6) 13-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров реестридаги ёзувни излаш қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс — солиқ тўловчининг идентификация рақами ёхуд жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 62-модда тўққизинчи қисмининг 8-бандидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) 315-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек суғурта ташкилотлари қонунчилик талабларига мувофиқ захира фондларини ташкил этади»;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нобанк кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари томонидан — қонунчиликда назарда тутилган нормалардан юқори бўлмаган миқдорда».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 44-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» деган сўзлар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг 28-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» деган сўзлар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модда биринчи қисмининг 18-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» деган сўзлар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921,

923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-илова:**

48³-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

48 ³ .	Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олиш учун дастлабки (кейинги) рухсатнома	Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) йигирма ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олиш.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
		Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) йигирма фоиз ва ундан кўпроқ улушини олувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олиш.	

»;

қуйидаги мазмундаги **48⁴** ва **48⁵-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

48 ⁴ .	Кафолатлар бериш ташкилотини кафолатлар бериш ташкилотлари реестрига киритиш тўғрисидаги қарор	Кафолатлар бериш ташкилоти фаолиятини амалга ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
48 ⁵ .	Факторинг ташкилотини факторинг ташкилотлари реестрига киритиш тўғрисидаги қарор	Факторинг ташкилоти фаолиятини амалга ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

»;

2) **3-илова** қуйидаги мазмундаги **10²** ва **10³-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

10 ² .	Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуш олинганлиги тўғрисида хабарнома	Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоиздан йигирма фоизгача ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олиш.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
10 ³ .	Факторинг ташкилотининг филиалини очганлик ёки ёпганлик ҳақидаги хабарнома	Факторинг ташкилотининг филиалини очиш.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августда қабул қилинган «**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–710-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 802-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **34-модданинг иккинчи қисмидаги** «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **51-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–765-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 114-модда, № 9, 965-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«кафолатлар бериш ташкилоти — юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит ташкилоти олдидаги пул мажбуриятини бажариш бўйича кафолатлар (кафилликлар) бериш фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс;

факторинг ташкилоти — пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс»;

2) **4-модда:**

биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошадиган миқдорда кредитлар, лизинг, кафолатлар беришга, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) хизматларини ва исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга;

юридик шахсларга чет эл валютасида микрокредит беришга ҳамда ушбу қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган молиявий хизматларни чет эл валютасида кўрсатишга;

тўлов ташкилоти фаолиятини мазкур ташкилотлар учун белгиланган тартибда амалга оширишга ҳақли»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кафолатлар бериш ташкилоти:

шахснинг кредит ташкилоти олдидаги пул мажбуриятини бажариш бўйича кафолат (кафиллик) беришга;

кредит ташкилотларига улар томонидан қонунчиликда назарда тутилган хизматларни кўрсатиш учун молиявий маблағлар тақдим этишга;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа молиявий хизматларни кўрсатишга ҳақли.

Кафолатлар (кафилликлар) бериш бўйича фаолиятни профессионал асосда амалга ошириш деганда, банк ёки суғурта ташкилоти бўлмаган юридик шахснинг бир йил давомида ўн мартадан кўп кафолатлар (кафилликлар) бериши тушунилади, бундан мазкур юридик шахс томонидан унинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) бўлган шахсларга ёки ходимларига берган кафолатлар (кафилликлар) мустасно.

Факторинг ташкилотлари:

пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномасига асосан молия агенти сифатида талаб қилиш ҳуқуқини олишга ёки бошқа шахсга беришга;

пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномаси бўйича мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли»;

бешинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) 6-модданинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан (акциядорлардан) устав фондига (устав капиталига) киритилган ҳисса суммасининг ёки уларнинг эгалигидаги акциялар номинал қийматининг икки бараваридан ошадиган миқдорда қарз маблағларини жалб этишга, бундан облигациялар шаклидаги қарз маблағларини жалб этиш мустасно»;

4) 8-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилотлари ва факторинг ташкилотлари ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган пруденциал нормативларга риоя этган тақдирда, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва кафолатлар бериш ташкилотлари фаолиятини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан ташқари қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширишга ҳақли»;

5) 12-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилотлари, факторинг ташкилотлари ва ломбардлар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва кафолатлар бериш ташкилотлари акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) 13-модда:

биринчи қисмидаги «шунингдек ташкилотнинг турига қараб «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш» ёки «ломбард» деган сўз ёки сўз бирикмаси» деган сўзлар «шунингдек ташкилотнинг турига қараб «микромолия ташкилоти», «факторинг ташкилоти», «ипотекани қайта молия-

лаштириш» ёки «ломбард» деган сўз ёки сўз бирикмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нобанк кредит ташкилотининг турларидан бири сифатида давлат рўйхатидан ўтган, бироқ давлат рўйхатидан ўтганидан кейин уч ой давомида ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этмаган юридик шахслар ўз фирма номида «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш», «факторинг ташкилоти» сўз бирикмасидан ёки «ММТ» деган қисқартма сўздан, шунингдек ломбард фаолиятини бошлаганлик ҳақида Марказий банкка хабарнома юбормаган юридик шахслар — «ломбард» деган сўздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас»;

бешинчи қисми «микромолия ташкилотининг» деган сўзлардан кейин «факторинг ташкилотининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг талаблари кафолатлар бериш ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

7) 15-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги):

ўн ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олғунига қадар Марказий банкни хабардор қилиши;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олғунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ хабардор этишда нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олиш учун йўналтириладиган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборот Марказий банкка тақдим этилади.

Агар нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади»;

иккинчи — **ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** — **ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) **16-модда:**

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки унинг банкрот бўлишига ёхуд амалга ошираётган фаолиятининг тугатилишига олиб келган ҳаракатлар содир этишга ва (ёки) ҳаракатсизликка раҳбар ходимнинг алоқадорлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд эмаслиги»;

учинчи қисми:

1-бандининг «а» кичик бандидаги «микромолия ташкилоти» деган сўзлар «микромолия ташкилотида, факторинг ташкилотида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-бандининг «б» кичик банди «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида» деган сўзлардан кейин «ва кафолатлар бериш ташкилотида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-бандининг «а» кичик бандидаги «микромолия ташкилоти» деган сўзлар «микромолия ташкилотида, факторинг ташкилотида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандининг «б» кичик банди «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида» деган сўзлардан кейин «ва кафолатлар бериш ташкилотида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **17-модданинг учинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кафолатлар бериш ташкилоти учун — юз миллиард сўмни»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микромолия ташкилоти ва факторинг ташкилоти учун — икки миллиард сўмни»;

10) **18-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар микромолия ташкилоти ёки факторинг ташкилоти фаолиятини ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан амалга оширса, микромолия ташкилоти ёки факторинг ташкилоти филиални очиш чоғида пруденциал нормативларга риоя этиши шарт»;

11) **19-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилотининг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг, кафолатлар бериш ташкилотининг ёки факторинг ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни тегишинча микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига, кафолатлар бериш ташкилотлари реестрига ёки факторинг ташкилотлари реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади»;

бешинчи қисми «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотининг, факторинг ташкилотининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) 20-модда:

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилоти, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти, кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти (бундан буён матнда ариза берувчи деб юритилади) ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади»;

учинчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норезидентлар томонидан микромолия ташкилотини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотини, кафолатлар бериш ташкилотини ёки факторинг ташкилотини ташкил этиш чоғида ёхуд уларнинг устав фондида (устав капиталида) норезидентлар иштирок этганда, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

юридик шахсни назорат қилиш органининг микромолия ташкилотини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотини, кафолатлар бериш ташкилотини ёки факторинг ташкилотини ташкил этиш учун ёхуд уларнинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахснинг тасдиқномаси»;

13) 21-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисоб рўйхатидан ўтказишни асослан-тирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида Марказий банк томонидан қабул қилинади. Микромолия ташкилоти, ипоте-кани қайта молиялаштириш ташкилоти, кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти норезидентлар томонидан ташкил этилган ҳолларда мазкур муддат ўн иш кунига узайтирилиши мумкин»;

14) 22-модда еттинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳоллардан бири юзага келган кундан эътиборан ўттиз кун ичида микромолия ташкилоти, факторинг ташкилоти, ипотекани қайта мо-лиялаштириш ёки кафолатлар бериш ташкилоти ўз фирма номидан «микро-молия ташкилоти», «факторинг ташкилоти», «ипотекани қайта молиялашти-риш» деган сўз бирикмаларини, шунингдек «ММТ» деган қисқартирма сўзни ҳамда «кафолатлар бериш» деган сўз бирикмасини (мавжуд бўлганда) чиқа-риб ташлаши ёки фаолиятни тугатиш ҳақида ёхуд қайта ташкил этиш нати-жасида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт»;

15) 24-модда:**биринчи қисмининг:**

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни тегишинча мик-

ромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан, кафолатлар бериш ташкилотлари реестридан, факторинг ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан (бундан буён матнда тегишли реестр деб юритилади) чиқариш тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилинади»;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микромолия ташкилоти, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти, кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни тегишинча микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан, кафолатлар бериш ташкилотлари реестридан ёки факторинг ташкилотлари реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, шунингдек Марказий банк ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида хабарнома олганда»;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан» деган сўзлар «тегишли реестрдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан» деган сўзлар «тегишли реестрдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан» деган сўзлар «тегишли реестрдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нобанк кредит ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни тегишли реестрдан чиқариш тўғрисида Марказий банк томонидан қарор қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида ўз фирма номидан «микромолия ташкилоти», «факторинг ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш», «ломбард» деган сўзни ёки сўз бирикмаларини, шунингдек «ММТ» деган қисқартирма сўзни ҳамда «кафолатлар бериш» деган сўз бирикмасини (мавжуд бўлганда) чиқариб ташлаши ёхуд фаолиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижа-сида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт»;

16) 25-модда:

иккинчи қисмининг:

саккизинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг» деган сўзлар «микромолия ташкилотларининг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг, кафолатлар бериш ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотлари ва ломбардлар» деган сўзлар «микромолия ташкилотларининг, ломбардлар, кафолатлар

бериш ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлар «микромолия ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, кафолатлар бериш ташкилотлари ва факторинг ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «микромолия ташкилотларининг ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг» деган сўзлар «микромолия ташкилотларининг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг, кафолатлар бериш ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми «ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрини» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотлари реестрини, факторинг ташкилотлари реестрини» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

17) 26-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширувчи микромолия ташкилотлари ва факторинг ташкилотлари, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва кафолатлар бериш ташкилотлари пруденциал нормативларга риоя этиши шарт»;

иккинчи қисми бешинчи хатбошиси «микромолия ташкилотига» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотига ёки факторинг ташкилотига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «микромолия ташкилотларининг» деган сўзлар «микромолия ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 27-модданинг:

номи ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Микромолия ташкилотига, факторинг ташкилотига ёки кафолатлар бериш ташкилотига алоқадор бўлган шахсларга хизматлар кўрсатиш

Ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширувчи микромолия ташкилотларининг ва факторинг ташкилотларининг, шунингдек кафолатлар бериш ташкилотларининг ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, ўзларига алоқадор бўлган шахсларга ёки бундай шахслар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга хизматлар кўрсатиши бундай хизматлар ушбу ташкилотларга алоқадор бўлмаган шахслар учун назарда тутилган шартларга қараганда анча қулай шартлар асосида кўрсатиладиган ҳолларда тақиқланади»;

иккинчи қисми:

биринчи хатбошиси «Микромолия ташкилотига» деган сўзлардан ке-

йин «кафолатлар бериш ташкилотига ёки факторинг ташкилотига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси «микромолия ташкилотининг» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотининг ёки факторинг ташкилотининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошиси «микромолия ташкилоти» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми иккинчи хатбошиси «микромолия ташкилотининг» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилотининг ёки факторинг ташкилотининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми «Микромолия ташкилоти» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми «микромолия ташкилоти» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисми «микромолия ташкилоти» деган сўзлардан кейин «кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилоти, кафолатлар бериш ташкилоти ёки факторинг ташкилоти ўзига алоқадор бўлган шахсларга хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг алоҳида реестрини юритиши ва реестрни Марказий банкка унинг талабига биноан тақдим этиши шарт»;

19) **28-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан» деган сўзлар «тегишли реестрдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **30-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Активларининг баланс қиймати ўн миллиард сўмдан ортиқ бўлган микромолия ташкилотлари ва факторинг ташкилотлари, активларининг баланс қиймати беш миллиард сўмдан ортиқ бўлган ломбардлар, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва кафолатлар бериш ташкилотлари ички аудит хизматини ташкил этиши шарт»;

21) **6-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-боб. Микромолия ташкилотлари, факторинг ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш»;

22) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бобнинг қоидалари:

микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширишда банкларнинг ўз истеъмолчилари (мижозлари) билан ўзаро муносабатларига нисбатан;

кафолатлар бериш ташкилотларининг ўз истеъмолчилари (мижозлари) билан ўзаро муносабатларига нисбатан мазкур ташкилотлар фаолиятига тааллуқли бўлган қисмида ҳам татбиқ этилади»;

23) 37-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилотлари, факторинг ташкилотлари ва ломбардлар ўз қарз олувчилари (мижозлари) ҳамда кредиторларининг молиявий операцияларига доир ахборотнинг махфийлигини кафолатлайди. Микромолия ташкилотининг, факторинг ташкилотининг ва ломбарднинг бошқарув органлари аъзолари, шунингдек ходимлари нобанк кредит ташкилотининг, унинг қарз олувчиларининг (мижозларининг) операцияларига, шунингдек кредиторлар билан операцияларга доир сирни сақлаши шарт»;

учинчи қисми «Микромолия ташкилотларига» деган сўзлардан кейин «факторинг ташкилотларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) 38-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микромолия ташкилоти ёки факторинг ташкилоти бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда янгидан вужудга келадиган микромолия ташкилоти ёки факторинг ташкилоти мажбуриятларга ҳуқуқий ворис бўлишда ва (ёки) қайта ташкил этилаётган микромолия ташкилоти ёхуд факторинг ташкилоти ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширган тақдирда пруденциал нормативларга риоя этиши керак».

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 апрель,
ЎРҚ–1058-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**160** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
24 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда заргарлик саноатини қўллаб-қувватлашга, республикада ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг қимматбаҳо металлларга бўлган талабини қаноатлантириш, уларнинг ривожланиши учун қулай бизнес муҳитини яратиш ва қонунчиликда мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилишини, қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни махсус қабул қилиш кассалари орқали мажбурий реализация қилиш бекор қилинишини, аффинаж корхоналарига қимматбаҳо металлларни заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга реализация қилиш ҳуқуқи, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эса ўзлари қимматбаҳо металллардан ясаган заргарлик буюмларининг ярим тайёр маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчиларга сотиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғини ва ер солиғини тўлашга оид қисмида солиқ имтиёзлари тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари юридик ва жисмоний шахслардан қимматбаҳо металлларни (шу жумладан олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни), қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни, шунингдек уларнинг парчалари ва чиқиндиларини сотиб олиш бўйича фаолият учун хабардор қилиш тартиб-таомили белгиланмоқда.

Ушбу Қонун заргарлик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни таъминлашга, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлашга ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек аҳолининг сифатли заргарлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 апрелда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6,

530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар) **219-моддасининг санкциясидаги** «базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, №12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-моддалар) **483-моддасининг еттинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда:

«Хунарманд» уюшмасининг аъзолари учун белгиланган солиқ имтиёзлари заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкалари мол-мулк солиғидан ва ер солиғидан озод этилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар) **3-илованинг 1-позицияси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	1. Қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ҳамда бошқа буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома	<p>Шахсий буюртма асосида аҳоли томонидан тақдим этилган материаллардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмларини таъмирлаш. Ўз ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш (аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясашда ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас);</p> <p>заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш. Ўз ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш (аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясашда ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас);</p>	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси
		юридик ва жисмоний шахслардан қимматбаҳо металлларни, шу жумладан олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни, қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни, шунингдек уларнинг парчалари ва чиқиндиларини сотиб олиш.	

».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августда қабул қилинган «**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–710-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 802-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модда бешинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «махсус қабул қилиш кассалари орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **19-модданинг учинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлларни қулай шакллар ва ҳажмларга келтирган ҳолда реализация қилиш;

қимматбаҳо металллардан сувенир тангаларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш»;

олтинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «ишлаб чиқарувчилар» деган сўзлар «аффинаж корхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **20-модда** қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар ўзлари қимматбаҳо метал-

лардан ясаган заргарлик буюмларининг ярим тайёр маҳсулотларини бошқа заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга реализация қилиш ҳуқуқига эга. Бунда ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш қиймати заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг эрталабки фиксинги баҳосидан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб-китоб амалга оширилаётган кундаги курсидан кам бўлмаган миқдорда мустақил равишда белгиланади».

4) **27-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хорижда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чакана савдоси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг қоидалари 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 апрель,
ЎРҚ–1059-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

161 Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан таъсирчан давлат назоратини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясини (кейинги ўринларда — Инспекция) мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи сифатида шакллантириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

(б) жорий йил якунига қадар қурилиш, кўп квартиралли уйларни бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида назорат функцияларини тўлиқ рақамлаштириш;

(в) 2025 йил 1 июлга қадар хусусий сектор томонидан амалга оширилдиган назорат тизими механизмларини шакллантириш.

II. Назорат механизмларини такомиллаштириш

2. Белгилансинки, 2025 йил 1 майдан бошлаб:

(а) тадбиркор ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) ўртасида шартнома (оммавий оферта) тузилган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг қурилиш объектларида қисқа муддатли давлат қурилиш назорати тадбирлари шартнома шартлари доирасида амалга оширилади ва «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилмайди;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 апрелда эълон қилинган.

(б) Инспекцияга кўп квартирали уйларни бошқариш ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар молия-хўжалик фаолиятига аралаштириш қатъиян тақиқланади.

3. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир қурилаётган объектнинг QR-кодли паспорти жорий қилинсин. Бунда QR-кодли паспорт орқали шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш муддатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари (эскиз лойиҳалари) ва тасдиқланган экспертиза хулосалари ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) кўп квартирали уйлардаги жойларни, шунингдек, ертўлаларни қайта қуриш ва қайта режалаштиришда шаҳарсозлик нормаларини бузган ҳолда кўп квартирали уйнинг конструктив қисмлари ва таянч деворларига ўзгартириш киритиш, бузиш ҳамда бинонинг зилзилага бардошлилигига салбий таъсир қиладиган ишларни амалга ошириш тақиқланади;

(б) 2025 йил 1 июлдан бошлаб барча ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларини мажбурий тарзда шартнома асосида технологик аудитдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

5. 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) босқичма-босқич ҳудудий инспекцияларда Қурилиш объектларини онлайн кузатиш маркази ташкил этилсин;

(б) тажриба-синов тариқасида 2025 йилда Қашқадарё вилоятидаги Давлат бюджети маблағлари ҳисобига янгидан қуриладиган объектларга видеокамералар ўрнатилсин;

(в) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини амалга оширишда мобил видеокамералар (бодикамера) ва махсус планшетлардан фойдаланилсин;

(г) мобил видеокамералар (бодикамера), махсус планшетлар ва видеокамералардан олинган маълумотлар тўғридан-тўғри Қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказига узатилсин;

(д) «E-maturity ish» ахборот тизимида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллашни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилсин.

6. 2025 йил 1 сентябрга қадар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг «Қурилишда давлат назорати» электрон платформасига қуйидаги маълумотлар интеграция қилинсин:

(а) Кадастр агентлигининг «UZKAD» кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимидаги кўп квартирали уйларнинг умумий фойдаланиш майдони ва унга туташ ер участкалари ҳамда хонадоннинг мулкдори, кадастр рақами ва кадастр чизмаси тўғрисидаги маълумотлар;

(б) «Ўзсувтаъминот» АЖнинг биллинг тизимидаги истеъмолчиларнинг манзили ва сони, сув ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, сарфланган сув миқдори ва қарздорлик, оқова сувларни чиқариш, янги қамраб олинган истеъмолчилар тўғрисида ва бошқа маълумотлар.

III. Хусусий назорат тизими механизмларини шакллантириш

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) якка тартибдаги уй-жойлар ва кичик ҳажмдаги нотураар бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан қурилиш назорати хусусий сектор томонидан олиб борилади (кейинги ўринларда — хусусий қурилиш назорати);

(б) хусусий қурилиш назорати архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган ҳамда қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти (кейинги ўринларда — лойиҳачи) томонидан шартнома асосида амалга оширилади;

(в) хусусий қурилиш назорати объектларида қурилиш (реконструкция ишлари) якунига етгандан сўнг лойиҳачи томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида хулоса шакллантирилади ва буюртмачига тақдим этилади;

(г) қурилиши (реконструкция ишлари) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тегишли туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари (Тошкент шаҳрида — туман қурилиш бўлимлари) томонидан амалга оширилади;

(д) хусусий қурилиш назорати олиб борилмаганда ёки назоратни олиб борган лойиҳачининг ижобий хулосаси мавжуд бўлмаганда объектларни фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади.

8. Қуйидагилар хусусий қурилиш назорати объектлари ҳисоблансин:

(а) икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони (ёрдамчи хўжалик иморатларини ҳисобга олмаган ҳолда) 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар;

(б) қурилиш ҳажми 300 метр кубдан ортиқ бўлмаган нотураар бино ва иншоотлар ҳамда енгил турдаги (конструкцияли) қурилмалар.

IV. Институционал ислоҳотлар

9. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилсин.

10. Қуйидагилар:

(а) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

(б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Белгилансинки:

(а) Инспекция қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назорати ва текширувини амалга оширувчи мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

(б) Инспекция бевосита Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир;

(в) Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади;

(г) ҳудудий инспекциялар ходимлари сони назоратга олинган объектларнинг умумий сонидан, ҳажмидан ва масофасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

12. Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган комплаенс назорат хизмати ташкил этилсин ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига комплаенс назорат бўйича мутахассис лавозими киритилсин. Бунда Инспекциянинг комплаенс назорат хизмати ва ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс назорат бўйича мутахассислари бевосита Инспекция бошлиғига бўйсунди.

13. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш вертикал бошқарув тизими асосида Инспекция томонидан амалга оширилади. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларни юклаш тақиқланади.

V. Давлат назорат тизимини молиялаштириш

14. Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, назоратга олинган объектлар бўйича ундириладиган ажратмалар ва қўлланадиган жарималар, хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, бюджетдан ташқари тегишли жамғармалар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилсин.

15. Давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қуйидаги тартибда тақсимланади:

(а) 5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади;

(б) 5 фоизи — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади;

(в) 10 фоизи — Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади;

(г) 80 фоизи — ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

16. Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан ўз ваколатлари доирасида шахарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун айбдор шахслардан ундириладиган жарималар қуйидаги тартибда тақсимланади:

(а) 20 фоизи — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади;

(б) 20 фоизи — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади;

(в) 60 фоизи — Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади.

17. Худудий инспекцияларнинг шаҳарсозлик соҳасида кўрсатадиган хизматлари ва бажарадиган ишларидан олинган даромадлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

(а) 15 фоизи — Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади;

(б) 85 фоизи — худудий инспекцияларнинг ихтиёрида қолдирилади.

18. Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

(а) Инспекция ва худудий инспекцияларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

(б) Инспекция ва худудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

(в) Инспекция ва худудий инспекцияларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

(г) Инспекция ва худудий инспекцияларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Инспекция (С. Эшқувватов) 2025 йил декабрга қадар:

(а) худудий инспекциялар ходимлари ротацияси тизимини жорий этсин;

(б) хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиб, худудий инспекция ходимларини хорижга қисқа муддатли тажриба алмашиш, стажировка ўташга юбориш амалиётини йўлга қўйсин;

(в) Инспекциянинг ташкил этилаётган таркибий бўлинмаларини юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин.

21. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Хидоятлов), Инспекция (С. Эшқувватов) уч ой муддатда қўйидагилар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин:

(а) ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ва ноқонуний қурилган объектлар эгаларига нисбатан тегишли чоралар белгилаш;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони (Ж. Урунов) ва Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов) билан биргаликда Инспекция томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларида текширишлар тартибини соддалаштириш, хабардор қилиш ва «хавфни таҳлил қилиш» тизимини такомиллаштириш.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Инспекция (С. Эшқувватов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Инспекция фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамда қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини амалга оширишда кўрилаётган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчиликка тушунарли тарзда етказиш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев) Инспекция (С. Эшқувватов) билан биргаликда:

(а) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар, лавҳалар, видеороликлар ва эшиттиришлар тайёрласин;

(б) ишлаб чиқилган медиамаҳсулотлар Миллий телерадиокомпаниянинг барча теле- ва радиоканалларида тизимли равишда эфирга узатилишини таъминласин.

25. Мазкур Фармоннинг мақсадларига эришиш доирасида қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов — ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

(б) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Хидоятлов — хусусий қурилиш назорати тизими механизмларини жорий этсин, қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифаларини қайта кўриб чиқсин, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини такомиллаштириш ва соҳада рақамлаштириш ишларини самарали ташкиллаштирсин;

(в) Инспекция бошлиғи С.Қ. Эшқувватов — давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибининг жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу Фармонни амалга ошириш давомида юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 апрель,
ПФ–66-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги
ПФ–66-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
фаолиятининг устувор йўналишлари**

1. Барча турдаги қурилиш-монтаж ишлари (автомобиль йўллари ва йўл сунъий иншоотлари бундан мустасно) ҳамда қурилиш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.

2. Объектларда уларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлари қўлланишининг олдини олиш.

3. Объектларда буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати тизими ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

4. Қўп квартирали уйларни бошқариш, уларга туташ ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик.

5. Қўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

6. Ичимлик сувини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилонга фойдаланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш.

7. Ичимлик сувини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ерости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

8. Истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

9. Соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, давлат назоратини тўлиқ рақамлаштиришни таъминлаш.

Мазкур иловада назарда тутилган Инспекция фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича давлат назорати соҳадаги махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

162 Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жаҳон иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар, ташқи хатарлар ва глобал рақобат шароитида миллий ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, ички бозорда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Белгилансинки, ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш, миллий маҳсулотлар экспорти, янги иш ўринларини яратиш бўйича 2025 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳисобланади.

II. Ички бозорда рақобат муҳитини ривожлантириш

2. Белгилансинки:

(а) олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (ГАТТ) ва мазкур битимнинг VII моддасини қўллаш тўғрисидаги 1994 йилдаги битимда белгиланган умумий тамойил ва қоидаларга тўлиқ мувофиқлаштирилади;

(б) товарларнинг божхона қийматини аниқлашда имтиёзлар ёки махсус божхона расмийлаштируви тартиблари, жумладан, муайян аниқлаш усуллари қўллашга йўл қўйилмайди;

(в) божсиз олиб кириш меъёрлари ва божхона расмийлаштируви шартлари жаҳон стандартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ички бозорда рақобат муҳитини ривожлантириш чоралари бўйича қарор қабул қилсин.

III. Сертификация ва техник назорат соҳасидаги ислохотлар

4. Белгилансинки:

(а) хавф даражаси юқори бўлган маҳсулотларни мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби бекор қилиниб, уларга мувофиқлик тўғрисидаги декларация расмийлаштириш тартиби жорий этилади;

(б) 2025 йил 1 майдан бошлаб мувофиқлик декларациясини сертификатлаштириш органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади ҳамда уларни шакллантириш ва ҳисобга олиш Техник тартибга солиш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 апрелда эълон қилинган.

(i) Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил 1 августга қадар мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхатини тубдан қисқартириш ва маҳсулотлар мувофиқлигини декларациялаш амалиётини кенг қўллаш чораларини кўрсин.

5. Мувофиқликни баҳолаш ва назорат органлари функциялари қўйидагича қайта тақсимлансин:

(а) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги назорати бўйича ваколатли орган вазифалари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан амалга оширилади. Бунда:

(i) 2025 йил 1 августдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари учун техник регламентлар ва стандартлар мажбурийлиги бекор қилинади;

(ii) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси 2025 йил 1 августга қадар Кодекс Алиментариус стандартлари асосида энг устувор озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқласин;

(iii) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари дахлдор вазирлик ва идоралар билан келишилгандан сўнг тўғридан-тўғри амал қилади;

(б) иловага* мувофиқ айрим товарлар санитария-эпидемиология, давлат ветеринария хизмати, ўсимликлар карантини, техник тартибга солиш назоратидаги рўйхатлардан чиқариб ташлансин.

6. Санитар, фитосанитар ва ветеринария назорати соҳасидаги қўйидаги тартиб-таомилларга мажбурий амал қилиш 2025 йил якунигача талаб қилинмасин:

(а) маҳаллий ва импорт озиқ-овқат маҳсулотлари учун санитария ва эпидемиология хизматларининг лабораториялари натижаларига асосан санитария-эпидемиологик хулоса олиш орқали сертификатлаш;

(б) барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, болалар овқатлари, терапевтик ва профилактик овқатланиш учун парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик фаол озиқ-овқат қўшимчалари ва янги рецептлар ёки янги технология асосида яратилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун барча техник ҳужжатларни (озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича барча янги ўзгаришларни, шу жумладан, рецептлар, технологик кўрсатмалар (нормалар), коплама ҳажми, техник шартлар, ишлаб чиқариш, қадоқлаш, маркировкалаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнларига оид) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиш ва тасдиқлаш;

(в) алкоғолсиз ичимликлар учун қўшимчалар, хомашё, хусусан, ичимликлар ишлаб чиқариш учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва мамлакатга олиб кириш учун ҳар бир партияди сертификатлаш;

(г) озиқ-овқат маҳсулотлари учун фитосанитария сертификатини олиш, агар уларга нисбатан санитария-эпидемиология хизмати томонидан гигиеник хулоса ва (ёки) давлат ветеринария хизмати томонидан ветеринария хулосаси (сертификати) тақдим этилган бўлса;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(д) ўсимлик маҳсулотлари, мато, ипак, чарм, ўйинчоқлар, спорт инвентари ва бошқалар учун ветеринария сертификатини олиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда санитария-эпидемиология, ветеринария, ўсимликлар карантини, экология, техник тартибга солиш ва техник назоратнинг бошқа йўналишларида товарлар рўйхатларини «гильотина» услубида қисқартириш бўйича қарор қабул қилсин, шунингдек, тартиб-таомилларни халқаро амалиётга мувофиқлаштириш, давлат лабораторияларини сотиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

8. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (Ж. Ходжаев) бир ой муддатда сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашёлар, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар ва кўтариш мосламалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган хорижий юқори сифат ва назорат тизимларининг мезонларини тасдиқласин.

9. Адлия вазирлиги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида»ги ва 2025 йил 1 сентябрга қадар «Бозор назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

IV. Божхона тўловлари ва солиқ маъмуриятчилиги

10. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз окшакарга нисбатан акциз солиғи бекор қилинсин.

11. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) шакар ишлаб чиқарувчи корхоналарни технологик модернизация қилиш орқали уларнинг барқарор фаолият юритиши чораларини кўрсин.

12. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (Ж. Ходжаев) бир ой муддатда ишлаб чиқариш учун муҳим хомашё ва ускуналар (сут ва бетон ташувчи транспорт воситалари ҳамда стационар кузатув постлари) импортида вақтинчалик божхона божларини камайтириш бўйича қарор қабул қилсин.

13. 20 ва ундан ортиқ ишчиси мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда ижара тўловлари бўйича ҳисобланган солиқ суммалари 2025 йил 15 июлда ва 1 декабрда бўлиб-бўлиб тўланилишига рухсат берилсин.

14. Белгилансинки:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги «Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–229-сон Фармони 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш учун ҳисобот давридаги тўқув (трикотаж мато, ип-газлама ва пайпоқ маҳсулотлари), тикув-трикотаж, пойабзал ёки чарм-атторлик маҳсулотларини реализация қилишдан тушган умумий тушум ҳажмини аниқлашда шартномага мувофиқ

давал хомашёсини қайта ишлаш юзасидан кўрсатилган хизматлар бўйича олинган даромад ҳам инобатга олинади;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–132-сон Фармони 8-бандига мувофиқ умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтаришда ушбу фаолиятдан олинган даромад товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этиши зарур.

15. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Божхона қўмитаси билан биргаликда Жаҳон савдо ташкилоти қоидалари асосида электротехника саноати маҳсулотларига импорт квоталарини белгилаш, очик ва шаффоф электрон онлайн-аукцион тизими орқали тақсимлаш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

V. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш

16. Вазирлар Маҳкамаси саноат корхоналарининг автоматик мониторинг станцияси, чанг-газ тозалаш ускунаси, локал сув тозалаш иншооти ва стационар кузатув пости билан жиҳозлаш мажбурияти муддатини I тоифадаги корхоналар учун — 2026 йил 1 январга қадар, II тоифадаги корхоналар учун — 2026 йил 1 июлга қадар узайтирсин.

(i) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 сентябрга қадар мазкур жиҳозлаш қурилмаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини тижорат банкларига жалб этиш чораларини кўрсин.

17. Олтингурутга (ТИФ ТН коди 2503) нисбатан экспорт божи 2025 йил 20 апрелдан бошлаб амал қилсин.

18. Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда 2027 йил 1 январга қадар биржа савдолари орқали алоҳида форвард битимлар тузган ҳолда ПВХ маҳсулотини 25 фоизли бўнак тўлов асосида ортиб бериш ва қолган 75 фоизини икки ой муддатда бўлиб тўлаш шарти асосида сотиш тартибини йўлга қўйсин.

19. Устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган техник газ, кислород ва янги турдаги кам тоннажли кимё маҳсулотларини 2026 йил 1 январга қадар фақат биржа савдолари орқали сотиш талаби татбиқ этилмасин.

20. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдон тартибга солиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ ва «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда қурилиш материалларини экспорт қилишда корхоналар рейтингидан ва талаб этиладиган харажатлар

суммасидан қатъи назар хорижий сертификатларни расмийлаштириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришни йўлга қўйсин.

21. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда хусусий уруғчилик корхоналарини ривожлантириш, Давлат бюджети ва грантлар ҳисобидан қишлоқ хўжалигида илм ва инновацияларни кенг жорий қилишда хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга оид дастурни тасдиқласин.

VI. Экспортни кенгайтириш

22. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссияга (Ж. Ходжаев) экспорт божхона божлари ставкаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

23. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (Ж. Ходжаев) ички ва ташқи бозордаги конъюнктурадан келиб чиқиб, ҳар ойда экспорт божхона божи ставкаларининг пасайтирилган ставкаларини тасдиқлаб борсин (гўшт, гуруч, ип-калава, тери хомашёси ва тайёр маҳсулотли, минерал ўғитлар ва кам тоннажли кимё маҳсулотлари).

24. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги тадбиркорлик субъектларига хорижий бозорларга чиқиш учун зарур рухсатномаларни расмийлаштириш, тегишли реестрларга киришни таъминлаш бўйича давлат амалий ёрдамни кўрсатиб борсин.

25. Белгилансинки, мазкур Фармонда назарда тутилган масалалар юзасидан ҳамда ташқи бозорлардаги ўзгаришларга тезкор мослашиш мақсадида қабул қилинадиган Вазирлар Маҳкамасининг, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиянинг, Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорлари, агар уларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, дарҳол кучга киради. Бунда бюджет ва бошқа соҳалардаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш муддатларига оид талаблар татбиқ этилмайди.

VII. Инвестицияларни рағбатлантириш

26. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 250 минг АҚШ доллари ҳамда уларнинг ҳар бир оила аъзосига (турмуш ўртоғи, фарзанди ва ота-онаси) 150 минг АҚШ доллари миқдоридagi тўловлар эвазига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга содалаштирилган тартибда берилади.

27. Солиқ ва муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлмаган экспорт қилувчи корхоналар томонидан хорижда савдо уйини ташкил этиш учун алоҳида қарорларсиз йилига 50 минг АҚШ долларигача маблағни чет элга ўтказишга рухсат берилсин, бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари асосида алоҳида белгиланган тартиблар мустасно.

VIII. Назорат ва ижро

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси Божхона қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан бирга-ликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш учун нашрлар, эшиттиришлар ва тематик теледастурлар ташкил қилсин.

29. Мазкур Фармон норма ва қоидалари, агар уларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, дарҳол кучга кирсин.

30. Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 апрель,
ПФ-67-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

163 Қарздорлик ҳисобига банклар балансига олинган мол-мулклар реализациясини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Муддати ўтган қарздорликни ундириш механизмларини такомиллаштириш ва банк балансидаги ҳаракатсиз мол-мулкларни сотиш имкониятларини ошириш орқали банкларни молиявий соғломлаштириш ҳамда қайтган молиявий ресурс ҳисобидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб банклар балансидаги ҳаракатсиз мол-мулклар улушини камайтириш, жумладан, 2025-2026 йилларда камида 4 триллион сўмлик ушбу турдаги мол-мулкларни сотиш белгилансин.

II. Қарздорлик ҳисобига банк балансига олинган мол-мулкларни сотишни жадаллаштириш

2. 2025 йил 1 майдан бошлаб устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган банкларга (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги банклар) ва улар ҳузуридаги инвестиция компанияларига аукционда сотилмасдан қарздорликларни сўндириш эвазига банк балансига олинган мол-мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга, шу жумладан, кредит, бўлиб-бўлиб тўлаш, лизинг шартномалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали сотишга рухсат этилсин.

3. Тижорат банкларига қарздорликларни сўндириш эвазига банк балансига қабул қилинган бино-иншоотлар, технологик ускуналар ва бошқа мол-мулклар негизида тижорат банклари ҳузуридаги инвестиция компаниялари орқали тўхтаб қолган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини тиклаб, уларни тайёр бизнес сифатида салоҳиятли инвесторларга сотиш ҳуқуқи берилсин.

III. Қарздорликларни сўндириш жараёнини тезлаштириш

4. Марказий банк ва Олий суднинг 2025 йил 1 сентябрдан даъво аризаси бўйича ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш учун даъвонинг максимал баҳосини юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан юз бараваригача, жисмоний шахсларга нисбатан эллик бараваригача ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 апрелда эълон қилинган.

5. Бош прокуратура Марказий банк ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мажбурий ижро жараёнида аукционда сотилмаган мол-мулкларни ундирувчига беришнинг қўйидаги тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

(а) мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи идоралар томонидан мол-мулкларга нисбатан қўйилган барча тақиқларни давлат ижрочисининг қарори асосида ечиш;

(б) давлат ижрочисининг қарори унда кўрсатилган шахсга мол-мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос бўлиб ҳисобланиши;

(в) мол-мулк бўйича мавжуд мажбуриятлар унинг собиқ эгаси — қарздор зиммасида қолиши, мазкур мажбуриятларни бажаришни ундирувчи ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган ҳолатлар бундан мустасно.

6. Олий суд, Марказий банк ва Мажбурий ижро бюроси уч ой муддатда тегишлилиги бўйича Олий суд, Мажбурий ижро бюроси, банклар ва бошқа молия ташкилотлари ўртасида суддаги ишлар ва ижро ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибда ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Марказий банк манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Марказий банк раиси Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 апрель,
ПҚ–142-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

164 Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни экологик сертификатлаш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон Фармони ижросини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқликни таъминлаш, давлат экологик назоратининг муқобил механизмларини татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги):

Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнлар учун «Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш (кейинги ўринларда — экологик сертификатлаштириш) тизимини жорий этиш;

«Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш тизими асосида корхоналарнинг «Top Green Uzbekistan» рейтинг тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни «Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) Экология вазирлиги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни экологик сертификатлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) «Яшил сертификат» ягона реестри Экология вазирлиги томонидан юритилади;

в) «Яшил сертификат» ягона реестрига киритилмаган сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;

г) экологик сертификатлаштириш қўйидаги талабларга жавоб берган ва белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган юридик шахслар (кейинги

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 апрелда эълон қилинган.

ўринларда — экологик сертификатлаштириш органи) томонидан амалга оширилади:

ушбу юридик шахсда меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида уч йил иш стажига эга бўлган камида беш нафар мутахассиснинг мавжудлиги;

баҳоланаётган объектнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатида белгиланган мажбурий кўрсаткичларни аниқлашни таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган ўз синов лабораторияси мавжудлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнлар экологик сертификатлаштириш объекти ҳисобланади;

е) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб:

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турларининг экологик оқибатлари тўғрисидаги баёнотдан кейинги босқичларда экологик норматив лойиҳаларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун ушбу фаолият турларининг технологик жараёнлари амалдаги «Яшил сертификат»га эга бўлиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилиши учун ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг амалдаги «Яшил сертификати» мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланади;

ж) тижорат банкларига хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнларининг экологик сертификатлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилишга «Яшил» кредит линияларини очиш тавсия этилади;

з) «Top Green Uzbekistan» рейтинг тизимида хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатига асосан ихтиёрий равишда иштирок этилади;

и) мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида технологик жараёнларни экологик сертификатлаштириш мақсадида шартнома тузган хўжалик юритувчи субъектлар учун сертификатлаштириш ишлари бепул (100 фоиз чегирма қўллаган ҳолда) амалга оширилади.

4. Экология вазирлиги:

а) икки ой муддатда «Top Green Uzbekistan» рейтинги бўйича баҳолаш қоидалари ва мезонларини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин:

хўжалик юритувчи субъектлар учун экологик сертификатлаштириш жорий этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чораларни белгилаш;

давлат харидларини амалга оширишда «Яшил сертификат»га эга маҳсулот ва хизматларнинг устуворлигини таъминлаш;

экологик сертификатлаштириш тизими талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарликни белгилаш;

в) олти ой муддатда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда махсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир талаблар асосида технологик жараёнларни экологик сертификатлаштириш миллий стандартининг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги доимий равишда:

а) экологик сертификатлаштириш тизимида экологик сертификатлаштириш органларини аккредитациядан ўтказишда ушбу қарор билан белгиланган талабларнинг бажарилишини;

б) миллий аккредитация тизимининг экологик сертификатлаштириш органлари аккредитацияси бўйича тегишли техник қўмита таркибига Экология вазирлиги вакиллари киритилишини;

в) экологик сертификатлаштириш органларини аккредитациядан ўтказиш жараёнида Экология вазирлиги ҳузуридаги Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази вакилларининг баҳоловчилар ва техник экспертлар таркибига (кейинги ўринларда — экспертлар таркиби) киритилишини таъминласин.

Бунда:

ҳар бир вакилнинг бир йилдан ортиқ экспертлар таркибида иштирок этишига йўл қўйилмайди;

экспертлар таркибининг камида 50 фоизи шаффоф танлов асосида белгиланган тартибда жалб этилган мустақил экспертлардан иборат бўлади ҳамда овоз бериш жараёнида овозлар тенг бўлганда уларга устуворлик берилади.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Экология вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилиши ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилиши, экологик сертификатлаштириш тартиботлари ва талабларини оммалаштиришга йўналтирилган мавзули туркум кўрсатувлар доимий равишда чиқарилиши тавсия этилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарори билан тасдиқланган Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) технологик жараёнларни «Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш органи учун:

ушбу юридик шахсда меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида уч йил иш стажига эга камида беш нафар мутахассис мавжудлиги;

баҳоланаётган объектнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатида белгиланган мажбурий кўрсаткичларни аниқлашни таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган ўз синов лабораторияси мавжудлиги».

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 апрель,
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 апрелдаги 230-сон қарорига
ИЛОВА

**Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда
технологик жараёнларни «Яшил сертификат» экологик
сертификатлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини чеклаш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланишни таъминлаш бўйича талаблар асосида «Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш (кейинги ўринларда — экологик сертификатлаштириш) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ариза берувчи — «Яшил сертификат»ни олиш учун муурожаат қилган хўжалик юритувчи субъект;

инспекция назорати — «Яшил сертификат» берилган технологик жараённинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида даврий тартибда амалга ошириладиган баҳолаш жараёни;

технологик жараён — хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ёки маҳсулотдан фойдаланган ҳолда муайян турдаги хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ёхуд бир турдаги хизмат кўрсатиш жараёни;

«Яшил сертификат» — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсири норматив-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

«Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш тизими — маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишда технологик жараёнларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолашга асосланган экологик сертификатлаштириш тизими.

3. Экологик сертификатлаштириш ишлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган юридик шахслар (кейинги ўринларда — Экологик сертификатлаштириш органи) томонидан амалга оширилади.

4. Экологик сертификатлаштириш ишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза берувчи билан Экологик сертификатлаштириш органи ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

2-боб. Экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш тартиби

5. Экологик сертификатлаштириш ишлари қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

экологик сертификатлаштириш учун аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш натижасида экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш ёки оширмаслик ҳақида қарор қабул қилиш;

экологик сертификатлаштириш дастурини келишилган ҳолда тасдиқлаш ва экологик сертификатлаштириш бўйича шартнома тузиш;

экологик сертификатлаштириш учун технологик жараёнларнинг мувофиқлигини баҳолаш (кейинги ўринларда — мувофиқликни баҳолаш);

«Яшил сертификат» ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш тўғрисида келишув битимини имзолаш ҳамда «Яшил сертификат»ни бериш ёки беришни рад этиш;

даврий тартибда инспекция назоратини амалга ошириш.

6. Экологик сертификатлаштириш ишлари ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

7. Экологик сертификатлаштириш учун ариза мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза берувчи томонидан Экологик сертификатлаштириш органига бевосита, почта ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тақдим этилиши мумкин.

8. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аризада келтирилган технологик жараёнларга оид экологик норматив ҳужжатлар ҳамда улар бўйича давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосалари;

аризада келтирилган технологик жараёнларга оид атроф-муҳитга ташла-малар миқдори бўйича аккредитациядан ўтган синов лабораториясининг баённомалари (мавжуд бўлса).

9. Ариза берувчи аризанинг тўғри тўлдирилиши, унда кўрсатилган маълумотлар ҳамда тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

10. Ариза келиб тушган куннинг ўзида Экологик сертификатлаштириш органи томонидан рўйхатга олинади.

11. Аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилмаган бошқа маълумотлар ва ҳужжатларнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

12. Экологик сертификатлаштириш органи ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш ёки оширмаслик ҳақида қарор қабул қилиб, бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилади.

Ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-банди талабларига жавоб бермаган тақдирда, Экологик сертификатлаштириш органи экологик сертификатлашти-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риш ишларини амалга оширмаслик ҳақида қарор қабул қилиб, бу ҳақида ариза берувчини хабардор қилади.

Ариза берувчи ҳужжатлар билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиши ҳамда тегишли ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни қайта тақдим этиши мумкин.

13. Экологик сертификатлаштириш органи экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, бир иш куни мобайнида технологик жараёнларнинг мувофиқлигини баҳолаш ишлари бўйича шартнома (кейинги ўринларда — шартнома) лойиҳасини ишлаб чиқади ва ариза берувчига тақдим этади.

Шартномага экологик сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш дастури (кейинги ўринларда — дастур) лойиҳаси илова қилиниши шарт.

14. Экологик сертификатлаштириш ишлари ариза берувчи томонидан шартномада кўрсатилган тўлов шартлари бажарилган кундан бошлаб дастурга мувофиқ, бироқ ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда Экологик сертификатлаштириш органи мувофиқликни баҳолаш мақсадида:

эксперт гуруҳи таркибини;

мувофиқликни баҳолаш амалга ошириладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини;

мувофиқликни баҳолаш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган дастурни тасдиқлайди.

15. Экологик сертификатлаштириш қиймати шартномага мувофиқ белгиланади.

16. Мувофиқликни баҳолаш камерал ўрганиш, технологик жараённинг аудити ҳамда атроф-муҳитга ташламаларнинг миқдорини ўлчов воситалари ёрдамида аниқлаш жараёнларини қамраб олади. Бунда:

камерал ўрганиш Экологик сертификатлаштириш органи сўровига мувофиқ ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларни бажариш ҳолатини баҳолаш орқали;

технологик жараён аудити экологик сертификатлаштириш доирасида ҳўжалик юритувчи субъектга тегишли технологик жараённинг атроф-муҳитга бўлган реал таъсирини ҳамда тақдим этилган ҳужжатлардаги ҳолатни корхонадаги амалиёт билан таққослаган ҳолда жойига чиқиб ўрганиш орқали амалга оширилади.

17. Ариза берувчи аризада келтирилган технологик жараёнга оид атроф-муҳитга ташламалар тури ва миқдори тўғрисида аккредитациядан ўтган синов лабораториясининг баённомаларини тақдим этган тақдирда, экологик сертификатлаштириш жараёнида атроф-муҳитга ташламаларнинг миқдорини ўлчов воситалари ёрдамида қўшимча аниқлаш талаб этилмайди.

Бунда баённомалар ариза берувчи томонидан тақдим этилган кундан

бошлаб, кўпи билан ўттиз календарь кун олдин расмийлаштирилган бўлиши лозим.

18. Мувофиқликни баҳолаш якуни бўйича экспертлар гуруҳи томонидан бир иш кунни мобайнида тегишли хулоса (кейинги ўринларда — мувофиқликни баҳолаш хулосаси) расмийлаштирилади ва экспертлар гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мувофиқликни баҳолаш хулосасида муайян технологик жараённинг экологик сертификатлаштириш миллий стандарти талабларига жиддий ва (ёки) жиддий бўлмаган номувофиқликлари асослантирилиб, аниқ баён этилади.

19. Қўйидагилар жиддий номувофиқлик деб ҳисобланади:

ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятига берилган давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасидаги атроф-муҳитни ифлослантириш манбаларининг тури, сони ва жойлашуви ҳақиқатда ўз тасдиғини топмаслиги;

давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасида белгиланган атмосфера ҳавосига чиқариладиган ташламаларнинг, ерусти сув объектлари ёки жой рельефига ифлослантирувчи моддалар оқоваларини оқизишнинг, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда уларни жойлаштиришнинг йўл қўйиладиган чекланган экологик нормативларига риоя этилмаганлиги ёки риоя этилиши ўз тасдиғини топмаслиги;

коммунал-экологик нормативларда белгиланган, коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни оқизишнинг йўл қўйиладиган нормативларига риоя этилмаганлиги ёки риоя этилиши ўз тасдиғини топмаслиги;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилиши.

20. Экологик сертификатлаштириш органи раҳбари ҳамда ушбу органининг мувофиқликни баҳолашда иштирок этмаган камида икки экспертдан ташкил топган Экологик сертификатлаштириш органи кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) мувофиқликни баҳолаш хулосасини икки иш кунда кўриб чиқиб, қўйидагилардан бирини амалга оширади:

а) мувофиқликни баҳолашда жиддий номувофиқликлар аниқланмаган тақдирда, мувофиқликни баҳолаш хулосасини маъқуллайди ва «Яшил сертификат»ни бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

б) мувофиқликни баҳолашда жиддий номувофиқликлар аниқланган тақдирда, ариза берувчига уларни бартараф қилиш учун олтмиш иш кундан ортиқ бўлмаган муддат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жиддий номувофиқликлар белгиланган муддатларда бартараф қилинмаган тақдирда, «Яшил сертификат»ни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

в) қўйидаги ҳолларда мувофиқликни баҳолаш хулосасини қайта кўриб чиқиш учун қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади:

баҳолаш жараёни тартиб-таомиллари бузилганда;

технологик жараёнга нисбатан белгиланган мезонлар нотўғри талқин қилинганда;

нумувофиқликларни нотўғри малакаланганда.

Кенгашнинг қарорлари йиғилиш баёни билан расмийлаштирилади.

21. Экологик сертификатлаштириш органи раҳбари Кенгаш йиғилишининг баёнига асосан бир иш куни мобайнида «Яшил сертификат»ни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

22. «Яшил сертификат»ни бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, икки иш кунида «Яшил сертификат» расмийлаштирилади ва ариза берувчига тақдим этилади.

23. Мувофиқликни баҳолашда аниқланган жиддий бўлмаган нумувофиқликларни бартараф қилиш бўйича ариза берувчи томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Экологик сертификатлаштириш органи билан келишилган ҳолда тасдиқланган тақдирда, тегишли технологик жараён экологик сертификатлаштирилиши мумкин.

Бироқ, ушбу нумувофиқликлар келгуси инспекция назорати тартибидаги баҳолаш жараёнига қадар бартараф этилмаган тақдирда, улар жиддий нумувофиқлик деб ҳисобланади ва «Яшил сертификат» бекор қилинади.

24. Мувофиқликни баҳолаш якунлари бўйича нумувофиқликлар аниқланган ва уларни бартараф қилиш учун қўшимча муддат берилган тақдирда, уларнинг бартараф қилинганлигини баҳолаш ишлари мазкур Низомнинг 16 — 22-бандларига асосан қайтадан ўтказилади. Бунда қайта баҳолаш ишлари учун алоҳида тўлов ундирилмайди.

25. «Яшил сертификат»ни бериш фақатгина мувофиқликни баҳолаш якунлари бўйича аниқланган нумувофиқликлар белгиланган муддатда ёки тўлиқ бартараф қилинмаган тақдирда рад этилиши мумкин.

3-боб. Экологик сертификатлаштирилган технологик жараённинг даврий инспекция назорати

26. Экологик сертификатлаштирилган технологик жараённинг даврий инспекция назорати (кейинги ўринларда — инспекция назорати) навбат асосида ёки навбатдан ташқари ўтказилади.

Навбатдаги инспекция назорати «Яшил сертификат» берилган вақтдан бошлаб унинг амал қилиш даврида ҳар ўн икки ойда бир маротаба ўтказилади.

27. Қуйидагилар навбатдан ташқари инспекция назоратини ўтказиш учун асос ҳисобланади:

ишлаб чиқариш технологик жараёнларида, фойдаланилаётган хом ашё таркибида, ташламалар, оқовалар, чиқиндилар пайдо бўлиши манбаларида, уларнинг нормативларида ва норматив ҳужжатларида, объектнинг жойлашувида ўзгаришлар юз бериши;

экологик сертификатлаштирилган объект томонидан экологик сертификатлаштириш миллий стандарти талаблари бузилганлиги тўғрисида шикоят келиб тушиши;

хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг суд тартибида тўхтатилиши.

Бошқа ҳолатларда навбатдан ташқари инспекция назоратининг ўтказилишига йўл қўйилмайди.

28. Инспекция назорати яқунлари бўйича номувофиқликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф қилиш учун Экологик сертификатлаштириш органи томонидан олтимиш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат белгиланади, мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

29. Инспекция назорати яқунлари бўйича аниқланган номувофиқликлар бартараф қилинганлиги бўйича баҳолаш ишлари мазкур Низомнинг 24-бандига мувофиқ қайтадан ўтказилади.

30. Инспекция назорати ўтказилиши учун тўлов ундирилмайди, ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

4-боб. «Яшил сертификат»нинг амал қилиш муддатини вақтинча тўхтатиб туриш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш

31. «Яшил сертификат» беш йил муддатга берилади ва «Яшил сертификат» ягона реестрида рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

32. «Яшил сертификат» амал қилиш даври мобайнида серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматга нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

33. «Яшил сертификат» давлат тили ва инглиз тилида расмийлаштирилади.

«Яшил сертификат» бланкаси шакли Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланади.

34. Қуйидаги ҳолатларда «Яшил сертификат»нинг амал қилиши муддатидан аввал бекор қилинади:

инспекция назорати ёки инспекция назорати яқунлари бўйича аниқланган номувофиқликлар бартараф қилинганлигини қайта баҳолаш «Яшил сертификат» эгаси айби билан белгиланган муддатда ўтказилмаганда;

инспекция назорати яқунлари бўйича аниқланган номувофиқликлар белгиланган муддатда бартараф қилинмаганда;

Экологик сертификатлаштириш объекти ёки «Яшил сертификат» эгасининг фаолияти тўхтатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда (ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши бундан мустасно);

мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ўзгаришлардан бири рўй берган тақдирда, амалдаги «Яшил сертификат»нинг эгаси ушбу ўзгариш рўй берган вақтдан бошлаб бир ой муддатда «Яшил сертификат»ни қайта расмийлаштириш тўғрисида мурожаат қилмаганда.

35. Инспекция назорати яқунлари бўйича номувофиқликлар аниқланган тақдирда, «Яшил сертификат»нинг амал қилиши номувофиқликларни бартараф қилиш учун белгиланган муддатга вақтинча тўхтатилади.

Бунда белгиланган муддатда номувофиқликлар бартараф этилган тақдирда, «Яшил сертификат»нинг амал қилиш муддати қайта тикланади.

36. «Яшил сертификат»нинг амал қилишини муддатидан аввал бекор қилиш, вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарорларнинг шакли Экологик сертификатлаштириш органи томонидан белгиланади.

37. Экологик сертификатлаштириш органининг «Яшил сертификат»нинг амал қилишини муддатидан аввал бекор қилиш, вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунда асосли сабаблари кўрсатилган ҳолда, «Яшил сертификат» эгасига, шунингдек, «Яшил сертификат» ягона реестрига тегишли ёзувлар киритилишини таъминлаш мақсадида Экология вазирлигига етказилади.

Бунда «Яшил сертификат»нинг асл нусхаси «Яшил сертификат» эгаси томонидан тегишли қарор олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида Экологик сертификатлаштириш органига қайтарилиши лозим.

38. Бекор қилинган «Яшил сертификат» Экологик сертификатлаштириш органи томонидан йўқ қилинади ва бу ҳақида тегишли далолатнома тузилади.

39. «Яшил сертификат»нинг эгаси қайта ташкил этилган, унинг номи, почта манзили ёки экологик сертификатлаштириш объектининг жойлашган жойи ўзгарган тақдирда, ушбу ўзгаришлар тўғрисида «Яшил сертификат»нинг асл нусхасини илова қилган ҳолда, ўн иш куни мобайнида Экологик сертификатлаштириш органини хабардор қилиши лозим.

40. Мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ўзгаришлардан бири рўй берган тақдирда, «Яшил сертификат»нинг эгаси ушбу ўзгариш рўй берган вақтдан бошлаб бир ой муддатда «Яшил сертификат»ни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши мумкин.

Экологик сертификатлаштириш объектининг жойлашган жойи ўзгарган тақдирда, Экологик сертификатлаштириш органи мазкур Низомга мувофиқ (навбатдан ташқари ёки ўз муддатига кўра даврий) шартнома асосида инспекция назоратини ўтказди ҳамда унинг натижаси бўйича «Яшил сертификат»ни қайта расмийлаштириш ёки расмийлаштирмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

«Яшил сертификат» эгаси қайта ташкил этилганда ёки унинг почта манзили, номи ўзгарганда инспекция назоратини ўтказиш талаб этилмайди.

41. Агар хўжалик юритувчи субъект «Яшил сертификат»нинг ҳуқуқий вориси бўлмаса, экологик сертификатлаштириш мазкур Низомда назарда тутилган талаблар асосида қайта амалга оширилади.

5-боб. «Яшил сертификат» ягона реестрини юритиш тартиби

42. Экология вазирлиги Экологик сертификатлаштириш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида «Яшил сертификат» ягона реестрини юритади, доимий равишда янгилаб боради ҳамда уни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Бунда «Яшил сертификат» ягона реестири тегишли маълумотлар Экология вазирлигига келиб тушган кундан бошлаб уч иш кундан кечикмаган ҳолда янгиланиши лозим.

43. «Яшил сертификат» ягона реестирида амалдаги, бекор қилинган, амал қилиши вақтинча тўхтатилган, амал қилиш муддатидан илгари бекор қилинган ҳамда амал қилиш муддати яқунланган «Яшил сертификат»лар бўйича қуйидагилар:

«Яшил сертификат» берилган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами;

«Яшил сертификат» объекти, берилган санаси, рўйхатдан ўтган рақами ва амал қилиш муддати;

«Яшил сертификат»нинг ҳолати (амалдалиги, амал қилиш муддати якунланганлиги ёки бекор қилинганлиги, амал қилиши вақтинча тўхтатилганлиги, амал қилиш муддатидан илгари бекор қилинганлиги, қабул қилинган бундай қарорнинг рақами ва санаси) акс эттирилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

44. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

45. «Яшил сертификат» эгаси Экологик сертификатлаш органининг уни бекор қилиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

46. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар
кўрсатишда технологик жараёнларни «Яшил
сертификат» экологик сертификатлаштириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Технологик жараёнларни «Яшил сертификат»
экологик сертификатлаштириш учун
АРИЗА**

1. _____
(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи)

_____даги қўйидаги технологик
(маҳсулот ишлаб чиқариш / хизмат кўрсатиш)

жараёнларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга со-
лиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда келтирилган талабларга мувофиқ-
лигини баҳолаш ҳамда «Яшил сертификат» экологик сертификатлаштириш
учун ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайди.

2. Технологик жараёнлар:

а) _____;

б) _____;

в) _____;

...

3. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ушбу аризада келтирилган технологик жараёнларга оид экологик норма-
тив ҳужжатлар (ифлослантурувчи моддаларнинг атмосферага чиқарилади-
ган йўл қўйиладиган чекланган ташламаларининг экологик нормативлари,
ифлослантурувчи моддаларни оқова сувлар билан ер усти ҳавзалари ёки
жой рельефига оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори, чиқинди-
лар ҳосил бўлиши ва жойлаштирилиши) ҳамда улар бўйича давлат экологик
экспертизасининг ижобий хулосалари;

аризада келтирилган технологик жараёнларга оид атроф-муҳитга ташла-
малар миқдори бўйича аккредитациядан ўтган синов лабораториясининг
баённомалари*.

4. Хўжалик юритувчи субъект тўғрисида қўшимча маълумотлар:

СТИР: _____

Давлат рўйхатидан

ўтказиш рақами: _____

Жойлашган жойи
(почта манзили): _____

Телефон рақами: _____

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари:

(имзо)

(Ф.И.О.)

** технологик жараёнларга оид атроф-муҳитга ташламалар миқдори бўйича аккредитациядан ўтган синов лабораториясининг баённомалари мавжуд бўлса илова қилинади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**165** Айрим турдаги товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 18 апрелдаги ПФ–67-сон Фармони билан товарларнинг божхона қийматини аниқлашда асоссиз имтиёзлар ёки махсус божхона расмийлаштируви тартибларини қўллашга йўл қўйилмаслиги ҳамда божсиз олиб кириш меъёрлари ва божхона расмийлаштируви шартлари жаҳон стандартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2025 йил 1 майдан эътиборан жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжи учун нотижорат мақсадларида республикага олиб кириладиган товарларнинг божсиз олиб кириш нормалари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

- ҳаво транспортида — 1000 АҚШ доллари;
- темир йўл ва дарё транспортида — 500 АҚШ доллари;
- автомобиль (пиеда) ўтказиш пунктлари орқали — 300 АҚШ доллари;
- халқаро курьерлик жўнатмалари орқали — 200 АҚШ доллари;
- халқаро почта жўнатмалари орқали — 100 АҚШ доллари.

2. Қуйидагилар:

Жисмоний шахслар томонидан республикага божсиз олиб кириладиган айрим товарларнинг миқдорий нормалари 1-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахслар томонидан айрим турдаги товарларни республикадан божсиз олиб чиқишнинг миқдорий нормалари 2-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришда божхона қиймати ва миқдори алоҳида назорат қилинадиган товарлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) темир йўл ва дарё транспортида ҳамда автомобиль ўтказиш пунктлари орқали нотижорат мақсадларида товарларни олиб кираётган шахс хорижий давлатда икки календарь кундан, ҳаво транспортида уч календарь кундан кам муддат бўлганда, божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмайди, бунда ушбу товарларга божсиз олиб кириш нормасидан ортик деб қаралади ҳамда товарнинг тўлиқ қийматидан ягона божхона тўлови ундирилади;

б) халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 апрелда эълон қилинган.

олиб келинадиган товарларга нисбатан божсиз олиб киришнинг белгиланган нормалари бир календарь ой давомида қўлланади;

в) жисмоний шахслар томонидан қиймати 5 000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган товарлар божхона декларациясини тақдим этмаган ҳолда республикадан олиб чиқилиши мумкин, қонунчилик ҳужжатлари билан экспорт божхона божи ставкалари белгиланган товарлар бундан мустасно.

Бунда ушбу қиймат доирасидаги тижорат мақсадидаги товарлар товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда статистик мақсадлар учун божхона органлари томонидан ҳисоби юритилади ҳамда республика экспорт ҳажмида инобатга олинади;

г) жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металлдан тайёрланган ўлчовли ёмбилар ва Марказий банкнинг қимматбаҳо металлдан тайёрланган тангаларни уларнинг сертификатлари мавжуд бўлган ҳолларда, республика ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқишга ва уларнинг қиймати ушбу банднинг «в» кичик бандида белгиланган қийматдан ошганда, йўловчи божхона декларациясини тўлдириб олиб чиқишга рухсат берилади;

д) ушбу қарорга 4-иловада келтирилган товарларнинг божхона юк декларациялари охириги тўқсон календарь кун ичида декларация қилинган шунга ўхшаш товарларнинг ўртача божхона қийматининг 80 фоизидан кам бўлмаган ҳолларда расмийлаштирилади;

е) 2025 йил 1 майдан эътиборан чет элдан республика ҳудудига қуруқ сут олиб киришга қўйилган чеклов бекор қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров Божхона қўмитаси билан биргаликда ички бозорда тенг рақобат муҳитини таъминлаш учун ушбу қарорга 4-иловада келтирилган товарларга нисбатан уларнинг қиймати ва миқдорини назорат қилишнинг самарали механизмини жорий қилиш ва ҳар қандай истиснолар татбиқ этилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

Бунда божхона чегараси орқали олиб кириладиган мазкур турдаги товарларни инспекцион кўрик мажмуалари ва бошқа техник воситалар орқали назоратдан ўтказиш чоралари кўрилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Божхона қўмитаси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича мавзуга оид туркум материаллар чоп этилиши, эшиттиришлар ва теледастурлар эфирга узатилишини ташкил этсин.

6. Транспорт вазирлиги «Uzbekistan airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланаётган Жисмоний шахслар томонидан республикага божсиз олиб кириладиган айрим товарларнинг миқдорий нормалари бўйича ахборотларни йўловчиларга ташиш вақтида етказиш чораларини кўрсин.

7. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия чегара божхона постларида фуқаролар томонидан ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик, уюшган ҳолда қаршилик қилиш ҳамда

жамоат тартибини бузиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича Божхона қўмитаси билан ҳамкорликни йўлга қўйсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Божхона қўмитаси билан биргаликда жисмоний шахслар томонидан аввал фойдаланишда бўлган товарларда инсон учун хавф туғдирувчи воситалар олиб кирилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

9. Божхона қўмитаси:

а) ушбу қарор билан жорий этилаётган нормалар ва тартиботларни амалиётда тўғри қўллаш юзасидан божхона органлари ходимлари ўртасида мавзули ўқув машғулотларини ташкил этсин;

б) божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини соддалаштириш ва рақамлаштириш мақсадида чегара божхона постларини инфокиоск ҳамда планшетлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) божхона қийматини пасайтириш хавфи даражаси юқори бўлган товарларни аниқлаш мақсадида импорт божхона юк декларацияларини хорижий мамлакатлар экспорт декларациялари билан солиштириш тизимини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

г) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини электрон маълумотлар асосида соддалаштирилган тартибда божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 12 майдаги 281-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу қарорнинг 1-банди, 2-бандининг бешинчи хатбошиси, 3-бандининг «д» ва «е» кичик бандлари ҳамда унга 4-илова 2025 йил 1 майдан эътиборан амал қилади.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари — иқтисодийёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 апрель,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан республикага божсиз
олиб кириладиган айрим товарларнинг
МИҚДОРИЙ НОРМАЛАРИ**

Т/р	Товарнинг номи	Чекланган миқдор (сони, ҳажми)
1.	Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 2203-2208 товар позициясида таснифланувчи алкоголь маҳсулоти, шу жумладан, пиво	2 литр
2.	Қуйидаги тамаки маҳсулотларидан бири: Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 2402 20 товар позициясида таснифланувчи сигарет; Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 2402 10 0 00 0 товар позициясида таснифланувчи сигара; Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 2403 товар позициясида таснифланувчи тамаки (табак)	200 дона 5 дона 100 гр
3.	Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 3303 товар позициясида таснифланувчи атир ва ифор тарқатувчи сувлар	3 дона (300 мл.дан ошмаган миқдорда)
4.	Биологик фаол қўшимчалар: суюқ ҳолатида ва сироп шаклида; кукун ҳолатида; таблетка; капсула; қуритилган ҳолатда (ўсимлик гули, тана қисми ва илдизи).	10 дона флаконда; 0,5 кг; 100 дона; 100 дона ёки 4 дона ПЭТ идишларда; 0,5 кг

Изоҳ. Мазкур Миқдорий нормаларнинг:

а) 1 ва 2-позицияларида келтирилган товарларнинг 21 ёшга тўлмаган жисмоний шахслар томонидан ҳамда халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали олиб кирилиши тақиқланади;

б) ушбу илова тасдиқланган қарорнинг 1-бандида кўрсатилган божсиз олиб кириш нормаларидан ортиқ нотижорат мақсадларида олиб ўтиллаётган:

1 ва 2-позицияларида келтирилган товарларга ягона божхона тўлови икки баравар миқдорда;

3 ва 4-позицияларида келтирилган товарларга ягона божхона тўлови бир баравар миқдорда ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан айрим турдаги товарларни
республикадан божсиз олиб чиқишнинг
МИҚДОРИЙ НОРМАЛАРИ**

Т/р	Товарнинг номи	Миқдори
1.	Гуруч	Умумий оғирлиги 3 кгдан кўп бўлмаган
2.	Нон-булка маҳсулотлари	Умумий оғирлиги 5 кгдан кўп бўлмаган
3.	Гўшт ва гўшт озиқ-овқат маҳсулотлари	Умумий оғирлиги 2 кгдан кўп бўлмаган
4.	Шакар	Умумий оғирлиги 2 кгдан кўп бўлмаган
5.	Ўсимлик ёғи	Умумий оғирлиги 2 кгдан кўп бўлмаган
6.	Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар ҳамда қуритилган сабзавот ва мевалар	Умумий оғирлиги 40 кгдан кўп бўлмаган

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси
божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини
аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси (кейинги ўринларда — божхона чегараси) орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

нотижорат мақсадлар учун товарлар — жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган шахсий, оилавий (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) эҳтиёжлари учун мўлжалланган ҳамда тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган товарлар;

тижорат мақсадлар учун товарлар — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар.

3. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар нотижорат мақсадлари учун товарлар тоифасига жисмоний шахс (ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни уларни кузатиб бораётган шахс) томонидан декларациялаш йўли билан киритилади.

4. Ушбу Низом қоидалари қуйидаги тоифадаги товарларга нисбатан татбиқ этилмайди:

маълум тоифадаги шахслар (халқаро ташишлар билан банд бўлган ҳайдовчилар, хизмат сафари бўйича ҳаракатланаётган шахслар ва делегация аъзолари), шунингдек, хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун кўчиб келаётган шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарлар;

илгари фойдаланишда бўлган нотижорат мақсадларига мўлжалланган товарлар, транспорт воситалари бундан мустасно.

Қуйидагилар илгари фойдаланишда бўлган нотижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетишда ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишда ўзи билан бирга бўлган фойдаланилган шахсий товарлар;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига кириб келишда ва Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетишда ўзи билан бирга бўлган фойдаланилган шахсий товарлар.

5. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда божхона расмийлаштируви ушбу Низомга иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш

6. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини божхона органининг мансабдор шахси товарларнинг миқдори, хусусияти ва олиб ўтилишининг такрорийлиги ва сафарнинг ҳолатлари, шунингдек, божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланганлигини инобатга олиб, шу жумладан, хавфни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда аниқлайди.

7. Божхона органи мансабдор шахси товарни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда қуйидаги мезонларга асосланади:

товарларнинг хусусияти — товарларнинг истеъмол хусусиятлари, тижорат мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган, жисмоний шахсларнинг шахсий, оилавий ва маиший эҳтиёжларини қондириш учун мўлжаллангани инобатга олинади;

товарларнинг миқдори — товарларни олиб ўтаётган жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари эҳтиёжларидан ортиқ миқдордаги бир турдаги (бир номда, бир ўлчамдаги, бир шакл, ҳамда рангда ва бошқалар, шунингдек, бир кишилик кийим жамланмасидан (комплектдан) ортиқ бўлган) товарларга, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тижорат мақсадида фойдаланиш учун олиб кириладиган товарлар деб эътироф этилади;

товарларни олиб ўтишнинг такрорийлиги — айтиб бериладиган жисмоний шахс томонидан бир турдаги товарлар оз миқдорда бўлса-да, бир неча бор олиб кирилишига, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тижорат мақсадида фойдаланиш учун олиб кириладиган товарлар деб эътироф этилади. Чегара хизмати органлари томонидан чет элга чиқиш биометрик паспортига қўйиладиган белги (штамп) ёки рўйхатга олиш ҳақидаги электрон маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктдан ўтиш такрорийлигини аниқлаш учун асос ҳисобланади;

сафарнинг ҳолатлари — сафарнинг мақсади ва давомийлиги, келиш давлати инобатга олинади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан товарлар ва уларни олиб ўтаётган жисмоний шахслар тўғрисида келиб тушган маълумотлар;

халқаро почта ва халқаро курьерлик жўнатмаларини олувчи жисмоний шахснинг (шу жумладан, унинг 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг) ёши товарларнинг хусусиятлари билан мувофиқлиги;

бир манзилда яшовчи бир ёки бир неча жисмоний шахс томонидан олиб ўтиладиган бир хил турдаги товарларни олиб ўтиш такрорийлиги. Товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда оила

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таркиби (товарларни олиб ўтаётган шахс томонидан тасдиқланган тақдирда), кўрсатиб ўтилган товар турларига шахснинг одатий эҳтиёжи ва олиб ўтиладиган товарлар турлари ҳам инобатга олинади;

халқаро почта ва халқаро курьерлик жўнатмалари учун божхона юк декларациясида кўрсатилган товарларни қабул қилувчи манзилнинг жисмоний шахс ҳақиқатда рўйхатдан ўтган жойи билан фарқлилиги.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган мезонлардан бирининг мавжудлиги, божхона чегараси орқали жисмоний шахс ва унинг оила аъзолари томонидан олиб ўтиладиган товарлар белгиланган нормалардан ортиқ бўлганда, улар нотижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар деб (шахсий фойдаланиш ёки истеъмол мақсадида эмаслиги) тахмин қилишга асос бўлади.

9. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кузатиб борилаётган ва (ёки) кузатиб борилмаётган багажларда нотижорат мақсадлари учун товарларни божсиз олиб кириш нормалари йўналиш ва етиб бориш манзилида зарур ҳамда илгари фойдаланишда бўлган шахсий эҳтиёжлар учун мўлжалланган товарларни ҳисобга олмаган ҳолда қўйидаги мезонлар асосида аниқланади:

йўналиш ва (ёки) етиб бориш манзилида анъанавий (одатда) тартибда фойдаланиш амалиёти, шунингдек, мавсумийлиги, саёҳат мақсади, транспорт тури, давлат божхона чегарасидан ўтиш такрорийлиги;

эскириш ва бошқа ишлатилганлик белгилари (қирилиш, букилиш ва бошқа механик шикаст) мавжудлиги;

биркалар, ёрлиқлар, ишлаб чиқарувчи ўрови мавжуд эмаслиги;

товарларни одатий тартибда фойдаланиш учун етарли бўлган даражада битта ёки бошқа миқдорда, шу жумладан мавсумийлиги, саёҳат мақсади, транспорт тури, йўналиш давомида ёки етиб бориш манзилида объектив заруратлилиги.

3-боб. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларини тўлаш

10. Жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар божсиз олиб кириш нормасидан ва Жисмоний шахслар томонидан республикага божсиз олиб кириладиган айрим товарларнинг миқдорий нормаларидан ортганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодидан ва келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, ушбу товарларнинг божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, мазкур нормалардан ортиқ қисмига нисбатан ягона божхона тўлови ундирилади.

11. Темир йўл ва дарё транспортида ҳамда автомобиль ўтказиш пунктлари орқали нотижорат мақсадларида товарларни олиб кираётган шахс хорижий давлатда икки календарь кундан, ҳаво транспортида уч календарь кундан кам муддат бўлган тақдирда ва (ёки) бир календарь ой давомида хорижий давлатда уч ва ундан ортиқ мартаба бўлганда, божсиз олиб кириш

нормалари қўлланилмайди ва товарнинг тўлиқ қийматидан ягона божхона тўлови ундирилади.

12. Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадларида товарлар божхона чегараси орқали олиб ўтилганда, уларга нисбатан божхона қонунчилик ҳужжатларида белгиланган умумий божхона расмийлаштируви қоидалари олиб ўтилатган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан қўлланади.

Бунда товарларнинг божхона қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан кам бўлганда, уларга нотариф чоралари қўлланилмаган ҳолда ва божхона тўловлари умумий белгиланган ставкаларда божхона крим ордери орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

Товарларнинг божхона қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан кўп бўлганда, уларга нотариф чоралар қўлланилган ва божхона тўловлари умумий белгиланган ставкаларда божхона юк декларацияси орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

13. Жисмоний шахс божхона органи мансабдор шахсининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи мансабдор шахсга ҳамда судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Мазкур Низом қоидалари жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлари учун товарларни олиб ўтишда икки йўлакли тизимда ҳам қўлланилади.

15. Жисмоний шахслар нотижорат мақсадлари учун товарларни «яшил» йўлак орқали қиймати ва (ёки) миқдори божсиз олиб кириш нормасидан ортадиган товарларни олиб ўтаётгани гумон қилинганда ёхуд бу ҳақида ахборот мавжуд бўлса, божхона органининг мансабдор шахси бундай шахсга нисбатан божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлайдиган божхона назорати шаклини қўллаш ҳуқуқига эга.

16. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига
жойлаштиришда божхона қиймати ва миқдори алоҳида
назорат қилинадиган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН коди	Товарнинг номи
Тўқимачилик маҳсулотлари		
1.	5208490000, 5208520000, 5209590000	Пахтадан тайёрланган матолар (таркибидаги пахта толаси 85 мас. фоиз ва ундан ортиқ)
2.	5407209000, 5407410000, 5407611000, 5407613000, 5407615000, 5407619000, 5407730000, 5512910000, 5515123000	Синтетик иплардан ва толалардан тайёрланган матолар
3.	5516140000	Сунъий толалардан тайёрланган матолар (таркибидаги сунъий толалар 85 мас. фоиз ёки ундан ортиқ)
4.	5603141001, 5603141009, 5603149000	Нотўқима матолар (юза зичлиги 150 г/м ² дан ортиқ)
5.	5804101000, 5804109000, 5804219000	Тюль ва бошқа сеткасимон матолар ҳамда машинада кимёвий иплардан тўқилган кружева (тамбур машинасида тайёрланганлардан ташқари)
6.	5903209000	Пластмасса билан қопланган текстил маҳсулотлари
7.	6001920000, 6004100000	Машина ёки қўлда тўқилган трикотаж матолар
8.	6106200000, 6204430000, 6204440000, 6205300000	Эркаклар-ўғил болалар ҳамда аёллар-қизлар учун кўйлақлар
9.	6110209900, 6110309100, 6110309900	Свитерлар, пуловерлар, кардиганлар, жилетлар ва шу каби буюмлар
10.	6111209000, 6111309000	Болалар кийимлари ва болалар кийимлари учун жиҳозлар
11.	6112120000	Спорт костюмлари
12.	6203423100, 6203423300, 6203423500, 6203429000	Эркаклар ёки ўғил болалар учун шимлар, бриджи ва шортилар
13.	6204530000	Аёллар ёки қизлар учун юбка ва юбка-шим
14.	6208990000, 6212109000	Аёллар ёки қизлар учун тунги ва ички кийимлар
15.	6301401000, 6301409000	Одеяллар ва саёҳат пледлари
16.	6302210000	Ётоқхона, бельёлари (чойшаб, ёстиқ жилд, ва бошқалар)
Электротехника ва унинг қисмлари		
17.	8415109000	Кондиционерлар
18.	8418211000, 8418215900, 8418219100	Совутгич ва музлатгич
19.	8443312000, 8443318000	Принтерлар, нусха кўчириш аппаратлари ва факсимиль аппаратлари
20.	8450111100, 8450111900, 8450119000	Тўлиқ автоматик кир ювиш машиналари сифими 10 кг дан кўп бўлмаган
21.	8471300000	Планшет ва ноутбуклар
22.	8471410000	Моноблок ва сенсорли интерактив доскалар
23.	8507102003	Аккумуляторлар (оғирлиги 5 кг дан кўп)

24.	8509400000	Озиқ-овқатларни майдалагичлар ва миксерлар
25.	8509900000	Маиший электромеханик машиналар қисмлари
26.	8511100009	Ўт олдириш свечалари
27.	8516291000, 8516295000, 8516299100, 8516299900	Электр иситкичлар (радиатор ва бошқалар)
28.	8516500000	Микротўлқинли печлар
29.	8516400000	Электр дазмоллар
30.	8516601010, 8516601090, 8516605000, 8516608000, 8516609000	Электр плита, печ ва духовкалар
31.	8516607000	Гриллар ва ростеллар
32.	8525891900, 8525893000, 8525899109, 8525899900	Телевизион, рақамли ва видеокамералар
33.	8528722001, 8528724000, 8528726000, 8528728000	Телевизорлар
34.	8528521000, 8528529000	Мониторлар
35.	8541430000	Фотогальваник элементлар
Озиқ-овқат маҳсулотлари		
36.	0201202000	Қорамол гўшти
37.	0204210000	Қўй гўшти
38.	0803901000	Банан
39.	0805210000	Мандарин
40.	0805501000, 0805509000	Лимон ва лайм
41.	0808108001, 0808108002, 0808108003, 0808108005, 0808108006, 0808108007, 0808108008	Олма
42.	0808309000	Нок
43.	1701991001, 1701991009	Шакар
44.	2008191300, 2008191900, 2008199300, 2008199500	Тайёрланган ёнғоқлар
Пластмасса ва резина маҳсулотлари		
45.	3901209000	Полиэтилен
46.	3920431000, 3920439000	Пластмасса плита, лист, плёнка ва ленталар
47.	4011100003, 4011100009, 4011201000, 4011209000	Шиналар
Оёқ кийим, тери ва мўйна маҳсулотлари		
48.	4202221000, 4202229000	Чемодан, сумка, ғилоф, ҳамёнлар ва бошқалар
49.	4203300000	Табиий ёки композит чармдан тайёрланган камарлар ва бошқалар
50.	6402993900, 6402999100, 6402999600, 6402999800	Резина пластмассадан тайёрланган оёқ кийимлар
51.	6403511100, 6403511900, 6403911600, 6403911800, 6403919100, 6403919800	Табиий чармдан бўлган оёқ кийимлар
52.	6404110000	Тўқимачилик материалларидан тайёрланган оёқ кийимлар
53.	6405901000	Бошқа турдаги оёқ кийимлар
Тош, керамика ва шиша буюмлари		
54.	6805200000	Фақат қоғоз ва картон асосидаги табиий ёки сунъий абразив кукун ёки дон (наждак қоғоз)

55.	6911100000	Чиннидан тайёрланган ошхона идишлари
56.	6912002100, 6912002500, 6912002900, 6912008900	Керамикадан тайёрланган ошхона ва бошқа хўжалик хамда хожатхона буюмлари
57.	7013289000, 7013371000, 7013379900, 7013491000, 7013499900	Шишадан тайёрланган ошхона буюмлари
Металл ва металл буюмлар		
58.	7210701000	Металл прокат
59.	7308909809	Металл конструкциялар ва шунга ўхшаш буюмлар
60.	7318129000	Металл шуруплар
61.	7323930000	Металлдан ясалган ошхона буюмлари
62.	8308100000	Кийим-кечаклар учун аксессуарлар
Кимё саноати маҳсулотлари		
63.	3303001000, 3303009000	Атирлар (духи ва пардоз суви)
64.	3304990000	Косметика воситалар
65.	3402500000	Тозалаш ва ювиш воситалари (порошок, гель ва бошқалар)
Кимё саноати маҳсулотлари		
66.	2710198200, 2710198400, 2710198600, 2710198800, 2710199200, 2710199800, 3403199000	Мойлаш (мотор, трансмиссия ва бошқалар) воситалари
67.	4814200000	Гулқовозлар
68.	9503001001, 9503001009, 9503002100, 9503003000, 9503003500, 9503003900, 9503004100, 9503004900, 9503005500, 9503006100, 9503006900, 9503007000, 9503007500, 9503007900, 9503008100, 9503008500, 9503009500, 9503009901, 9503009909	Ўйинчоқлар
69.	9617000001, 9617000009	Термослар
70.	9619003000, 9619005001, 9619007109, 9619007901, 9619007909, 9619008101, 9619008109, 9619008901	Аёллар ва эркаклар ҳамда болалар учун гигиеник прокладка ва тагликлар

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ****166 Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларнинг 8-бандига қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413-1*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 6 декабрдаги 3-2022-сон буйруғи (рўйхат рақами 3413, 2023 йил 13 январь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.01.2023 й., 10/23/3413/0023-сон) билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларнинг 8-бандида:

биринчи хатбоши «ёзма» деган сўздан кейин «(қоғозда ёки электрон)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон шаклдаги меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда «hgm.argos.uz» электрон платформаси орқали «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат мажмуида расмийлаштирилади.»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

А. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 апрель,
1-2025-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 апрелда эълон қилинган.

Келишилди:

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

К. РАФИКОВ

2025 йил 1 апрель

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2025 йил 27 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

167 «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси ва Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси**

Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 март,
02/15-05/01-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 апрелда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Ш. СОҲИБНАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 март,
13-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон Республика товар-хом
ашё биржаси бошқарув раиси**

З. БАДРИДДИНОВ

2025 йил 18 март

**Республика қўп тармоқли
агросаноат биржаси бош директори**

Т. ВАЛИТОВ

2025 йил 18 март

Ўзбекистон Республикаси
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг
2025 йил 28 мартдаги 02/15-05/01-сон ва
Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2025 йил 27 мартдаги
13-сон қарорига
ИЛОВА

«Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «Биржа» деган сўз «Товар-хом ашё биржалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги «Биржа» деган сўз «Товар-хом ашё биржалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар товар-хом ашё биржаси (бундан буён матнда биржа деб юритилади) аъзолари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

с) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги «кўчмас мулк олди-сотдиси фаолиятини» деган сўзлар «операцияларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 34-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар биржа аъзоси томонидан шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш қунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.»

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

168 Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2046-4*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-maydagi PF–79-son “Yer qa‘ridan foydalanish, sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi hamda atom energiyasidan foydalanish sohalarida davlat boshqaruvi va nazorati tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 28-oktabrdagi 63-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2046, 2009-yil 24-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 48-son, 515-modda) bilan tasdiqlangan Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-mart,
10-2025/B-son

Kelishildi:

*Qurilish va uy-joy kommunal
xo‘jaligi vaziri*

Sh. XIDOYATOV

2025-yil 21-mart

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 15-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 27-martdagi 10-2025/B-son buyrug'iga
ILOVA

Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”.
2. 5, 6 va 13-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
3. 8-bandning birinchi xatboshisi quyidagi mazmundagi jumla bilan to'ldirilsin:
“Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.”.
4. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”.
5. 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.
6. 33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“33. Tashkilot xodimlari ishlarni bajarishning xavfsiz uslublari va usullari hamda ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalardan jabrlanganlarga yordam ko'rsatishga o'qitilib, olingan bilimlari tekshiruvdan o'tkazilgandan so'ng ishlab chiqarish jarayonida ishtirok etishga ruxsat etilishi lozim.”.
7. 36-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “davriy (mehnat faoliyati davomida) hamda dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.
8. 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”.
9. 40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“40. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”.
10. 41 va 42-bandlardagi “tibbiy” degan so'z “majburiy tibbiy” degan so'zlar bilan almashtirilsin.
11. 44-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“44. Tashkilot maydonlari va binolarining joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga mos bo‘lishi kerak.”.

12. 54-banddagi “QMQ 2.09.04-98 “Tashkilotlarning ma‘muriy va maishiy binolari” talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga”degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”.

14. 2-bo‘limning 11-paragrafidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

15. 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”.

16. 77-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

17. 83-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan so‘z “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. 84-banddagi “kanalizatsiya” va “kanalizatsiyasiga” degan so‘zlar tegishli ravishda “oqova suvlar” va “oqova suvlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 85-banddagi “QMQ 2.01.05-98” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. 126-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“126. Sex va uchastkalarda yuk ko‘tarish qurilmalarini joylashtirish va o‘rnatish GOST 12.2.065-81 “Yuk ko‘tarish kranlari. Umumiy xavfsizlik talablari” va O‘zbekiston Respublikasi Sanoat xavfsizligi davlat qo‘mitasi tomonidan tasdiqlangan “Yuk ko‘tarish kranlarining tuzilishi va ularni xavfsiz ishlatish qoidalari” talablariga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”.

21. 142-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Tog‘-kon sanoati va geologiya vazirligi huzuridagi Tog‘-kon, geologiya va sanoat xavfsizligini nazorat qilish inspeksiyasi” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

169 **Bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2239-1*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 27-dekabrda PF–230-son “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi faoliyatining takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 712-son “Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 29-mayda 29-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2239, 2011-yil 29-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 26-son, 277-modda) bilan tasdiqlangan Bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-mart,
7-2025/B-son

Kelishildi:

*Qurilish va uy-joy kommunal
xo‘jaligi vaziri*

Sh. XIDOYATOV

2025-yil 21-mart

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 15-aprelda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 27-martdagi 7-2025/B-son buyrug‘iga
ILOVA

Bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”.

2. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”.

3. 5 va 12-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

4. 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”.

5. 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”.

6. 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari ishlab chiqiladi hamda tashkilot xodimlarini va ish joylarini ushbu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

7. 33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”.

8. 34-banddagi “tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 35 va 36-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Majburiy tibbiy ko‘riklar tashkilotlarga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkazilishi lozim.

36. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”.

10. 37-banddagi “tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 41-banddagi “davriy tibbiy tekshiruvdan” degan so‘zlar “davriy majburiy tibbiy tekshiruvdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 52-banddagi “QMQ 2.01.05-98” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. 65-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“65. Tashkilot maydonlari va binolarining joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga mos bo‘lishi kerak.”.

14. 77 va 78-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.

78. Yordamchi binolar va xonalar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”.

15. 96-banddagi “kanalizatsiya tizimida” degan so‘zlar “oqova suvlar tizimida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

16. 104-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“104. Bakteriya va viruslarga qarshi ishlab chiqariladigan preparatlar bilan shug‘ullanadigan va immunobiologik preparatlar ishlab chiqaruvchi har qanday tashkilotda sanitar maishiy va qo‘shimcha binolar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga hamda mazkur Qoidalarga muvofiq tarzda qurilishi kerak.”.

17. 116-banddagi “QMQ 2.09.12-98. “Tashkilotning ma‘muriy va maishiy binolari” talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. 117-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“117. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq bo‘lishi lozim.”.

19. 127-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“127. Tashkilotlarda elektr qurilmalarini o‘rnatish va ulardan foydalanishda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari hamda mazkur Qoidalar talablariga rioya qilinishi kerak.”.

20. 2-bo‘limning 15-paragrafidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

21. 134-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“134. Suv bilan ta‘minlash va oqava suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” hamda O‘zMS133:2024 “Ichimlik suvi. Gigiyenik talablar va sifatini nazorat qilish” talablariga mos kelishi kerak.”.

22. 137-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

23. 138 va 139-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“138. Tashkilotda oqava suvlar tizimi yo‘q bo‘lganda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmagan holda dushxonalaridan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralarini mavjud bo‘lishiga ruxsat etiladi.

139. Oqova suvlarini hosil qilish va suv havzalariga tushirish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 3-fevraldagi 11-son “Kommunal xo‘jaligi tizimida tabiatni muhofaza qilish faoliyatini yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2014-yil 21-yanvardagi 14-son “Ekologik normativlar loyihalarini ishlab chiqish va kelishish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining 2024-yil 22-noyabrdagi 26-son “Yer osti va yer usti suv obyektlarini muhofaza qilish bo‘yicha sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlarini (0083-24-son SanQvaN) tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 321, 2024-yil 13-dekabr) talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”.

24. 140-bandda:

birinchi xatboshidagi “kanalizatsiyaning” degan so‘z “oqova suvlarning” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “oqova suvlar kanalizatsiyasi” degan so‘zlar “oqova suvlar tizimi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

25. 194-banddagi “kanalizatsiya tarmog‘i” degan so‘zlar “oqova suvlar tizimi” degan so‘zlar almashtirilsin.

26. 234-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“234. Xodimda infeksiyon (yuqumli) kasallikning borligi haqida gumon qilinsa, bu haqida yaqinroqda joylashgan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlariga tegishli choralarni ko‘rish uchun xabar qilish lozim.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

170 O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti
(8-sonli BHS) “Ko‘chmas mulk, bino va jihozlar”ga
o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3144-1*

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining
“Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2019-yil 30-yanvardagi 11-son
buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3144, 2019-yil 20-mart) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari
milliy bazasi, 21.03.2019-y., 10/19/3144/2808-son) bilan tasdiqlangan
O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (8-sonli BHS) “Ko‘chmas
mulk, bino va jihozlar”ga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 20-mart,
242-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 15-aprelda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
20-martdagi 242-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti
(8-sonli BHS) “Ko‘chmas mulk, bino va jihozlar”ga kiritilayotgan
o‘zgartirish va qo‘shimcha**

1. 84-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“84. Asosiy vositalar inventarizatsiyasi O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o‘tkazish”ga (ro‘yxat raqami 3548, 2024-yil 12-avgust) asosan amalga oshiriladi.”.

2. Quyidagi mazmundagi 11¹-bob bilan to‘ldirilsin:

**“11¹-bob. Asosiy vositalar qiymatini tugatish munosabati bilan
ularni balansdan hisobdan chiqarish tartibi**

93¹. Asosiy vositalar qiymati quyidagi hollarda ularni tugatish munosabati bilan balansdan hisobdan chiqarilishi mumkin:

a) belgilangan xizmat muddati tugaganidan (to‘liq eskirish hisoblab yozilganidan) keyin;

b) jismoniy eskirish, baxtsiz hodisalar, tabiiy ofatlar, foydalanishning shart-sharoitlarini buzish oqibatida yaroqsiz holga kelganda;

v) ma‘nan eskirganda. Ma‘nan eskirgan asosiy vositalar deganda xuddi shunday maqsadda asosiy vositalarning yanada unumdor va tejamkor turlarini ishlab chiqish natijasida qadrsizlanadigan asosiy vositalar tushuniladi;

g) tegishli davlat organlarining qarorlari bo‘yicha balansdan chiqib ketganda;
d) tashkilotlarning bino-inshootlari qurilishi, kengaytirilishi, rekonstruksiya qilinishi, modernizatsiya qilinishi va texnik qayta jihozlanishi munosabati bilan.

Tiklanishi mumkin bo‘lmagan yoki iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq bo‘lmagan asosiy vositalar tugatiladi.

Asosiy vositalarning hisobdan chiqarilishi va tugatilishi yuzasidan ixtisosligi mos keladigan tegishli tashkilotlardan foydalanishga yaroqsizligi to‘g‘risida xulosa olingandan keyin asosiy vositalarning hisobdan chiqarilishi va tugatilishi haqida qarorlar qabul qilinishi lozim.

93². Asosiy vositalarni tugatish tashkilotlar tomonidan yuqori tashkilot bilan kelishgan holda, yuqori tashkilot mavjud bo‘lmaganda qonunchilik hujjatlariga muvofiq mustaqil ravishda amalga oshiriladi.

93³. Tashkilotlarda asosiy vositalarni tugatish munosabati bilan ularni hisobdan chiqarish to‘g‘risida qaror qabul qilish uchun rahbar yoki rahbar o‘rinbosari raisligida komissiya (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) tuziladi. Komissiya tarkibiga tashkilotning tegishli mutaxassislari, buxgalteriya xodimlari va moddiy javobgar shaxslari kiritilishi kerak. Komissiya tashkilot rahbarining buyrug‘i bilan tuziladi.

93⁴. Komissiya quyidagi vakolatlarga ega:

a) hisobdan chiqarish kerak bo'lgan asosiy vositalarning bevosita ko'rigini amalga oshirish, bunda zarur texnik hujjatlar (pasport, bosqich rejalari va boshqa hujjatlar), shuningdek buxgalteriya hisobi ma'lumotlaridan foydalanish;

b) ularni tiklashning mumkin emasligini yoki iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq emasligini aniqlash;

v) asosiy vositalarni hisobdan chiqarish sabablarini (to'liq eskirishni hisoblab yozish, jismoniy eskirish, rekonstruksiya qilish, foydalanishning shart-sharoitlari buzilishi, tabiiy ofatlar va hokazoni) aniqlash;

g) asosiy vositalarning muddatidan oldin foydalanishdan chiqib ketishiga aybdor bo'lgan shaxslarni aniqlash, ushbu shaxslarni O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlarida belgilangan javobgarlikka tortish to'g'risida tashkilot rahbariga takliflar kiritish;

d) tugatilayotgan asosiy vositalarning ayrim uzellari, detallari, materiallari, rangli va qimmatbaho metallaridan foydalanish imkoniyatini belgilash va ularni baholash;

e) tugatilayotgan asosiy vositalardan yaroqli uzellar, detallar, materiallar, rangli va qimmatbaho metallarni olish ustidan nazoratni amalga oshirish, ularning miqdori, og'irligini belgilash va tegishli omborga topshirilishini nazorat qilish.

93⁵. Tashkilotlarning bino-inshootlari qurilishi, kengaytirilishi, rekonstruksiya qilinishi, modernizatsiya qilinishi va texnik qayta jihozlanishi munosabati bilan asosiy vositalar tugatiladigan hollarda komissiya hisobdan chiqarishga taqdim etilgan asosiy vositalarning yuqori tashkilot tomonidan tasdiqlangan tashkilotlarning bino-inshootlari qurilishi, kengaytirilishi, rekonstruksiya qilinishi, zamonaviylashtirilishi va texnik qayta jihozlanishi rejasiga muvofiqligini tekshirishi kerak.

Bunda komissiya asosiy vositalarni tugatish dalolatnomasida tasdiqlangan rejaning bandi va sanasiga havola qiladi.

93⁶. Asosiy vositalarni tugatish dalolatnomalarida tugatilayotgan asosiy vositalarni tavsiflaydigan quyidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi:

asosiy vositani ishlab chiqarish yoki barpo etish yili, uning tashkilotga kelib tushish sanasi, foydalanishga topshirish sanasi;

asosiy vositaning dastlabki (qayta baholanganlari uchun — tiklash) qiymati, buxgalteriya hisobi ma'lumotlari bo'yicha foydalanishning butun muddati uchun hisoblab yozilgan eskirish summasi;

asosiy vositani tugatish sabablari va qismlarga bo'lishdan olinishi mumkin bo'lgan yaroqli uzellari, detallari, materiallari, rangli va qimmatbaho metallarining borligi va ulardan keyinchalik foydalanish imkoniyatlari.

93⁷. Transport vositasini tugatishda u bosib o'tgan yo'l ko'rsatiladi.

93⁸. Baxtsiz hodisalar yoki foydalanishning shart-sharoitlari buzilishi natijasida shikastlangan asosiy vositalar qiymatini balansdan hisobdan chiqarishda asosiy vositalarni tugatish dalolatnomasiga baxtsiz hodisalar yoki foydalanishning shart-sharoitlari buzilganligi to'g'risidagi dalolatnomaning ko'chirma nusxasi ilova qilinadi. Shuningdek, ushbu holatlar bo'yicha sabablar aniqlanadi va aybdor shaxslarga nisbatan ko'rilgan choralar ushbu dalolatnomada ko'rsatiladi.

93⁹. Tabiiy ofatlar oqibatida chiqib ketgan asosiy vositalar qiymatini balansdan

hisobdan chiqarishda tugatish dalolatnomasiga maxsus Hukumat komissiyasining xulosasi ilova qilinishi mumkin.

93¹⁰. Komissiya tomonidan tuzilgan asosiy vositalarni tugatish dalolatnomalari ularning balansida asosiy vositalar qayd etilgan tashkilot rahbari tomonidan tegishli yuqori tashkilotlar bilan kelishgan holda, yuqori tashkilot mavjud bo'lmaganda qonunchilik hujjatlariga muvofiq mustaqil ravishda tasdiqlanadi.

93¹¹. Asosiy vositalarni tugatish dalolatnomalari tasdiqlanguniga qadar asosiy vositalarni qismlarga bo'lish va demontaj qilishga yo'l qo'yilmaydi.

Qismlarga bo'lingan va demontaj qilingan asosiy vositaning boshqa asosiy vositani ta'mirlash uchun yaroqli bo'lgan barcha uzellari, detallari, materiallari, rangli va qimmatbaho metallari ular hisobga olinadigan tegishli hisobvaraqlarga asosiy vositalarni tugatish komissiyasi tomonidan belgilanadigan foydalanish narxi bo'yicha kirim qilinadi. Yaroqsiz uzellar, detallar, materiallar, rangli va qimmatbaho metallar ikkilamchi xomashyo (temir-tersak, qiyqindi yoki o'tin) sifatida kirim qilinadi hamda tashkilotning xohishi bo'yicha qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda ishlatiladi.

93¹². Budget tashkilotlari uchun tugatilgan asosiy vositalarni qismlarga ajratish va demontaj qilishdan olingan tovar-moddiy boyliklarni sotishdan olingan mablag'lar qonunchilik hujjatlariga muvofiq taqsimlanadi.

93¹³. Asosiy vositalar budget tashkilotlari tomonidan yuqori tashkilot bilan kelishgan holda, yuqori tashkilot mavjud bo'lmaganda mustaqil ravishda qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa budget tashkilotlariga bepul (tekinga) berilishi mumkin.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI**171 Davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq to‘lovchilar faoliyatida amalga oshiriladigan soliq nazorati tadbirini videotasvirga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3207-1*

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 21-noyabrdagi O‘RQ–1003-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga raqamli dalillar bilan ishlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasining 2019-yil 27-noyabrdagi 2019-58-son qarori (ro‘yxat raqami 3207, 2019-yil 30-dekabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.12.2019-y., 10/20/3207/0001-son) bilan tasdiqlangan Davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq to‘lovchilar faoliyatida amalga oshiriladigan soliq nazorati tadbirini videotasvirga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

Toshkent sh.,
2025-yil 7-aprel,
2025-06-son

Sh. KUDBIYEV

Kelishildi:

Savdo-sanoat palatasi raisi

2025-yil 3-aprel

D. VAXABOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 15-aprelda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Soliq qo‘mitasining 2025-yil 7-apreldagi
2025-06-son qaroriga
ILOVA

**Davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq to‘lovchilar
faoliyatida amalga oshiriladigan soliq nazorati tadbirini
videotasvirga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan
o‘zgartirishlar**

1. 8-bandda:

oltinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

yettinchi — to‘qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda oltinchi — sakkizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

oltinchi xatboshidagi “fiskal xotirali nazorat-kassa mashinalarini” degan so‘zlar “nazorat-kassa texnikasini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 9-bandda:

to‘rtinchi xatboshidagi “nazorat kassa mashinasi (virtual kassa)” degan so‘zlar “nazorat-kassa texnikasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidan “ashyoviy” degan so‘z chiqarib tashlansin.

3. 11-banddan “ashyoviy” degan so‘z chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

172 Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasining
70-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3406-1*

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 25-fevraldagi O‘RQ–1038-son “Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2022-yil 22-noyabrdagi 63-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3406, 2022-yil 27-dekabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.12.2022-y., 10/22/3406/1130-son) bilan tasdiqlangan Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasining 70-bandidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorat inspeksiyasini” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorat inspeksiyasini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-aprel,
246-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 15-aprelda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

173 Айрим соҳа ходимларини махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлашнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3617*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим соҳа ходимларини махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлашнинг намунавий нормалари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2025 йил 14 март,
12-2024/Б-сон

Б. ЗАХИДОВ

Келишилди:

**Қасаба уюшмалари Федерацияси
кенгаши раиси**

2025 йил 24 февраль

К. РАФИКОВ

Транспорт вазири

2025 йил 17 февраль

И. МАХКАМОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ,
НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФойДАЛАНИШНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

174 Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2018 йил 7 февралдаги 3/2-сон қарори (рўйхат рақами 3005, 2018 йил 4 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/3005/1167-сон) билан тасдиқланган Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

И. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 апрель,
5-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2025 йил 1 апрелдаги 5-сон буйруғига
ИЛОВА

Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (бундан буён матнда ЭНХАТ деб юритилади) жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни (бундан буён матнда энергия ресурслари деб юритилади) ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартибини белгилайди.»

2. 8-банддан «ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Бюро деб юритилади)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Табиий газни ҳисобга олиш приборларини танлаш, жойлаштириш ва ўрнатиш ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари»га мувофиқ амалга оширилади.»

4. 13-банддан «Бюро вакили ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 14-банддан «ва Бюро вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 15 ва 16-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Таъминотчининг ваколатли ходими истеъмолчидаги энергия ресурсларини ҳисобга олувчи мавжуд ҳисобга олиш приборларини ечиб олишда истеъмолчи иштирокида ҳисобга олиш приборини ва ундаги пломбаларнинг бутунлигини текширади ва бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузади ҳамда далолатноманинг барча нусхалари таъминотчининг ваколатли ходими ва истеъмолчи томонидан имзоланади.

16. Далолатномада ҳисобга олиш приборининг тури, унинг завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси, ечиш пайтидаги кўрсаткичи ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига тақдим этилади, иккинчи нусхаси таъминотчида қолади.»

7. 17-банддан «Бюро вакили билан биргаликда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 19-бандда:

а) биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган ва улангандан сўнг таъминотчининг ваколатли ходими ва истеъмолчи иштирокида энергия ресурсларининг ҳисобга олиш прибори ўрнатилганлиги тўғрисида икки нусхада далолатнома тузади.»;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Далолатнома таъминотчининг ваколатли ходими ва истеъмолчи томонидан имзоланади, бир нусхаси истеъмолчига тақдим этилади, иккинчи нусхаси таъминотчида қолади.»

9. 20-банднинг биринчи хатбошисидан «Бюро вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING
QARORI

175 **Tibbiyot muassasalarini moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
16-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3416-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 8-iyuldagi PF–99-son “Yashirin iqtisodiyotga qarshi kurashish faoliyatini samarali tashkil etishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 10-dekabrda 833-son “O‘zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi faoliyati hamda “Ayollar daftari” bilan ishlash tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2022-yil 30-dekabrda 30-son, Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining 2022-yil 21-dekabrda 35-2022/qq-son va Moliya vazirligining 2022-yil 29-dekabrda 71-son qarori (ro‘yxat raqami 3416, 2023-yil 16-yanvar) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 17.01.2023-y., 10/23/3416/0032-son) bilan tasdiqlangan Tibbiyot muassasalarini moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Sog‘liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 2-aprel,
4-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-mart,
244-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 17-aprelda e‘lon qilingan.

**Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri****B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 24-mart,
2-q/q-son

O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligining 2025-yil
2-apreldagi 4-son, Iqtisodiyot va moliya
vazirligining 2025-yil 27-martdagi 244-son
hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik
vazirligining 2025-yil 24-martdagi 2-q/q-son
qaroriga
ILOVA

**Tibbiyot muassasalarini moddiy rag'batlantirish va rivojlantirish
jamg'armasi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 9-bandning to'rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“Jamg'arma mablag'lari hisobidan, tibbiyot muassasalarining barcha xodimlariga kasbiy va boshqa bayramlar munosabati bilan beriladigan mukofot pullari va moddiy yordam pullari.”.
2. 24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“24. Jamg'arma mablag'laridan maqsadli foydalanilishi ustidan nazorat O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining Ichki audit departamenti, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi va uning hududiy boshqarmalari tomonidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI

176 Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash va sotish bo‘yicha operatsiyalarning buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
16-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1684-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi va “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo‘mitasining 2007-yil 22-apreldagi 100, 2006-44-son qarori (ro‘yxat raqami 1684, 2007-yil 26-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 22-son, 231-modda) bilan tasdiqlangan Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash va sotish bo‘yicha operatsiyalarning buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 25-mart,
243-son

Soliq qo‘mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 20-mart,
2025-07-son

Kelishildi:

**Agrosanoat majmui ustidan nazorat
qilish inspeksiyasi boshlig‘i**

A. VAXABOV

2025-yil 11-mart

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 18-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
25-martdagi 243-son va Soliq qo'mitasining
2025-yil 20-martdagi 2025-07-son qaroriga
ILOVA

**Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash va sotish
bo'yicha operatsiyalarning buxgalteriya hisobi va hisobotini
tashkil etish to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 2-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Tovar-moddiy zaxiralar, shu jumladan don va don mahsulotlari, don mahsulotlari korxonalari buxgalteriya hisobotida O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (4-sonli BHMS) “Tovar-moddiy zaxiralar”ga (ro'yxat raqami 3259, 2020-yil 30-iyun) (bundan buyon matnda 4-sonli BHMS deb yuritiladi) muvofiq asosiy guruhlarga bo'linadi.”.

3. 6-bandning “g” kichik bandi hamda 52-banddagi “(19-son BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”ga (1999-yil 2-noyabr, ro'yxat raqami 833)” degan so'zlar “(19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”ga (ro'yxat raqami 3548, 2024-yil 12-avgust)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 12-bandda:

“j” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“j) Olinadigan joriy to'lovlar (4000) guruhida 4011 “Don uchun xaridorlardan olinadigan to'lovlar — tizim ichida” va 4012 “Don uchun xaridorlardan olinadigan to'lovlar — tizimdan tashqari” schyotlari;”;

“z” va “l” kichik bandlardagi “maqsadli davlat jamg'armalariga” degan so'zlar “davlat maqsadli jamg'armalariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

“k” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“k) mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar bo'yicha joriy majburiyatlar (6000) guruhida 6011 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar — tizim ichida”, 6012 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar — tizimdan tashqarida”, 6013 “Fakturalanmagan mol yetkazib berishlar bo'yicha qarzdorlik” schyotlari;”.

5. 26-banddagi “4-sonli BHMSning 15-bandi” degan so'zlar “4-sonli BHMSning 22-bandi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 31-bandda:

“a” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “v” kichik bandning to'rtinchi va oltinchi xatboshilari, “d” kichik bandning uchinchi xatboshisi hamda “e” kichik bandning uchinchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

“g” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar”, materiallarni hisobga oluvchi (1000), mehnat haqi bo'yicha xodim bilan

hisoblashishlarni hisobga oluvchi (6700), sug'urta va davlat maqsadli jamg'armalariga to'lovlar bo'yicha qarzni hisobga oluvchi (6500) va boshqa tegishli schyotlari;”;

“j” va “z” kichik bandlarning ikkinchi xatboshilaridagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

7. 33-bandda:

“a” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “b” kichik bandning to'rtinchi va oltinchi xatboshilari, “g” kichik bandning uchinchi xatboshisi va “d” kichik bandning uchinchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

“v” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar”, materiallarni hisobga oluvchi (1000), mehnat haqi bo'yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi (6700), sug'urta va davlat maqsadli jamg'armalariga to'lovlar bo'yicha qarzni hisobga oluvchi (6500) va boshqa tegishli schyotlari;”.

8. 34-bandning “g” kichik bandi to'rtinchi xatboshisi hamda 35-bandning ikkinchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

9. 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Buxgalteriya hisobida import qilingan don va don mahsulotlarini sotib olish qiymatini shakllantirish va aks ettirish O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (22-sonli BHMS) “Chet el valyutasida ifodalangan aktivlar va majburiyatlarning hisobi”ga muvofiq (ro'yxat raqami 3587, 2024-yil 19-dekabr) amalga oshiriladi.”.

10. 42-bandda:

1) “a” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

2) “b” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

11. 43-bandning uchinchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

12. 44-banddagi “olinadigan schyotlar (4000)” degan so'zlar “olinadigan joriy to'lovlar (4000)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. 45-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. Inventarizatsiya vaqtida aniqlangan don va don mahsulotlarining kamomadi va ortiqchaligini buxgalteriya hisobida aks ettirish O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo'jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni

qo'llash bo'yicha yo'riqnoma"ga (ro'yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr) muvofiq amalga oshiriladi.”.

14. 48-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“48. Saqlash vaqtida tabiiy yo'qotishlar normasi doirasidan, shuningdek namlik va ifloslik aralashmasi sifatini yaxshilash hisobiga hosil bo'ladigan kamomad miqdoridan oshgan kamomad summasi qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda undirib olinadi.”.

15. 55-bandda:

“a” kichik bandning ikkinchi xatboshisi va “b” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

“g” kichik bandda:

ikkinchi xatboshidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

16. 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Don mahsulotlarining kelib tushishi, sotilishi va boshqa chiqimlari bo'yicha operatsiyalarni buxgalteriya hisobida tan olish, baholash va aks ettirish buxgalteriya hisobi to'g'risidagi qonunchilikka muvofiq amalga oshiriladi.”.

17. 58-bandda:

“a” kichik bandning uchunchi xatboshisi va “v” kichik bandning uchunchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

“b” kichik bandning uchunchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar”, materiallarni hisobga oluvchi (1000), mehnat haqi bo'yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi (6700), sug'urta va davlat maqsadli jamg'armalariga to'lovlar bo'yicha qarzni hisobga oluvchi (6500) va boshqa tegishli schyotlari;”;

“d” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

18. 69-bandda:

“v” kichik bandning uchunchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“(0200) asosiy vositalarning eskirishini hisobga oluvchi, (1000) materiallarni hisobga oluvchi, (2300) yordamchi ishlab chiqarishni hisobga oluvchi, (6000) mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to'lovlar, (6700) mehnat haqi bo'yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi schyotlar, (6500) sug'urta va davlat maqsadli jamg'armalariga to'lovlar bo'yicha qarzni hisobga oluvchi schyotlar va boshqa tegishli schyotlar krediti;”;

“d” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so'z “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

19. 71-bandning “b” kichik bandi uchunchi xatboshisi hamda “g” kichik bandi uchunchi xatboshisidagi “to'lanadigan schyotlar” degan so'zlar “to'lovlar” degan so'z bilan almashtirilsin.

20. 72-bandda:

“b” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit (0200) asosiy vositalarning eskirishini hisobga oluvchi, (1000) materiallarni hisobga oluvchi, (2300) yordamchi ishlab chiqarishni hisobga oluvchi, (6000) mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar, (6700) mehnat haqi bo‘yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi schyotlar, (6500) sug‘urta va davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlar bo‘yicha qarzni hisobga oluvchi schyotlar va boshqa tegishli schyotlar;”;

“v” kichik bandning ikkinchi xatboshisi va “g” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so‘z “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

21. 73-bandning “b” kichik bandi uchinchi xatboshisi va “v” kichik bandi uchinchi xatboshisidagi “to‘lanadigan schyotlar” degan so‘zlar “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

22. 88-band, 89-bandning “a” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “b” kichik bandi uchinchi xatboshisi, “v” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “g” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “d” kichik bandi to‘rtinchi xatboshisi, “e” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “j” kichik bandi yettinchi xatboshisi hamda 94-bandning “a” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “b” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, 107-bandning “a” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, “b” kichik bandi ikkinchi xatboshisi va 108-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so‘z “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

23. 97-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“97. Don va don mahsulotlari yuklab jo‘natishda qabul qiluvchilar tomonidan ularni qabul qilish vaqtida kamomad yoki ortiqchaliklar aniqlansa hamda yetkazib beruvchi tomonidan xaridorning da‘volari tan olingan bo‘lsa, yetkazib beruvchining buxgalteriya hisobida kamomad va/yoki ortiqchaliklar bo‘yicha tijorat hujjatlari asosida tegishli olinadigan joriy to‘lovlar (4000), asosiy (operatsion) faoliyatning daromadlarini hisobga oluvchi (9000), sotilgan mahsulot (tovar, ish, xizmat)-larning tannarxini hisobga oluvchi (9100), materiallarni, tayyor mahsulotlarni va tovarlarni hisobga oluvchi (1000, 2800, 2900), materiallarni tayyorlash va xarid qilishni hisobga oluvchi (1500) schyotlarida korrektirovka (tiklash) o‘tkaziladi, shuningdek yetkazib beruvchi tomonidan don va don mahsulotlarining ortiqchaligi bo‘yicha QQSni hisoblab chiqarish uchun dastlabki hisob hujjatlari (hisob-fakturalar) rasmiylashtiriladi. Ushbu dastlabki hisob hujjatlari (hisob-fakturalar) asosida xaridor tomonidan soliq qonunchilik hujjatlariga muvofiq don va don mahsulotlarining ortiqchaligi bo‘yicha QQS summasini hisobga olish amalga oshiriladi.”.

24. 109-band, 112-bandning “b” kichik bandi ikkinchi xatboshisi va “g” kichik bandi ikkinchi xatboshisi, 113-bandning “b” kichik bandi uchinchi xatboshisi hamda “g” kichik bandi uchinchi xatboshisidagi “to‘lanadigan schyotlar” degan so‘zlar “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

25. 124-bandda:

“a” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “b” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “g” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “d” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “z” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “i” kichik bandning ikkinchi xatboshisi, “k” kichik bandning uchinchi xatboshisi, “l” kichik bandning ikkinchi

xatboshisi, “m” kichik bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “to‘lanadigan schyotlar” degan so‘zlar “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“v” kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit 6010 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar”, (1000) materiallarni hisobga oluvchi, (6700) mehnat haqi bo‘yicha xodim bilan hisoblashishlarni hisobga oluvchi, (6500) sug‘urta va davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlar bo‘yicha qarzni hisobga oluvchi va boshqa tegishli schyotlar.”;

“e” kichik bandning ikkinchi xatboshisi va “j” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “schyotlar” degan so‘z “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

26. 128-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“128. Don mahsulotlari korxonalarini tomonidan moliyaviy hisobotni tuzish va taqdim qilish Moliyaviy hisobotlarni taqdim etish muddatlari hamda ularning tarkibi va mazmuni to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3567, 2024-yil 4-noyabr) muvofiq amalga oshiriladi.”.

27. 2-ilovaning 13-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. 6-son jurnalga kiritilgan, biroq oy oxirida to‘lanmagan summalar oy boshida to‘lanmagan summalar sifatida keyingi oy uchun ochiladigan 6-son jurnalga o‘tkaziladi va 6011 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizim ichida” subschyoti yoki 6012 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizimdan tashqarida” subschyotlar bo‘yicha analitik hisob bo‘ladi.”.

28. 3-ilovada:

3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. 1-son jurnalning birinchi qatorida 6011 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizim ichida” schyoti va 6012 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizimdan tashqarida” schyoti bo‘yicha “Oyning boshidagi qoldiq” sarlavhasi ko‘rsatiladi va 1-son jurnalning 1 — 7 va 26-ustunlarini to‘ldirish bilan barcha to‘lanmay qolgan schyotlar yozib qo‘yiladi. Shundan keyin barcha ustunlar bo‘yicha natija chiqariladi.”;

13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. 1-son jurnalning 27 va 28-ustunlarida bankdagi hisob raqamidan olingan ko‘chirmadagi ma‘lumotlarga (pul mablag‘larini hisobga oluvchi schyotlar ma‘lumotlari (5110, 5500)), shuningdek 6011 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizim ichida” va 6012 “Mol yetkazib beruvchilar va pudratchilarga to‘lovlar — tizimdan tashqarida” schyotlari debetida yetkazib beruvchilar va pudratchilarga berilgan bo‘naklarni hisobga olish schyoti ma‘lumotlariga asosan har bir hisob-faktura qarshisiga to‘lov sanasi va to‘langan summa qayd qilinadi. Yuqorida ko‘rsatib o‘tilganidek, hisob-faktura summasi tekshirish natijasida o‘zgarishi mumkin. 1-son jurnalning 26 va 28-ustunlar o‘rtasida paydo bo‘lgan farq 30 va 31-ustunlar bo‘yicha ko‘rsatiladi, chunonchi agarda to‘lovning kamligi yuk ko‘p ortilganligi hisobiga yuzaga kelsa, u holda bu farq 10 va 11-ustunlar bo‘yicha summalar yig‘indisiga teng bo‘lishi lozim.”.

29. 7-ilovaning 3-bandi “a” kichik bandi ikkinchi hamda o‘n birinchi xatboshilaridagi “schyotlar” degan so‘z “to‘lovlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

30. 9-ilova o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2025 йил 1 апрелдаги 1-2025-сон “Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларнинг 8-бандига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2025 йил 28 мартдаги 02/15-05/01-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2025 йил 27 мартдаги 13-сон “Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-8.

3. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 10-2025/B-son “Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2046-4.

4. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 7-2025/B-son “Bakteriyali va virusli preparatlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2239-1.

5. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 20-martdagi 242-son “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (8-sonli BHS) “Ko‘chmas mulk, bino va jihozlar”ga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 14-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3144-1.

6. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining 2025-yil 7-apreldagi 2025-06-son “Davlat soliq xizmati organlari tomonidan soliq to‘lovchilar faoliyatida amalga

oshiriladigan soliq nazorati tadbirini videotasvirga olish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 14-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3207-1.

7. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 9-apreldagi 246-son "Ichki audit tadbirlarini o'tkazish qo'llanmasining 70-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 14-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3406-1.

8. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2025 йил 14 мартдаги 12-2024/Б-сон "Айрим соҳа ходимларини махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлашнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3617.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2025 йил 1 апрелдаги 5-сон "Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3005-1.

10. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2025-yil 2-apreldagi 4-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 27-martdagi 244-son hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 24-martdagi 2-q/q-son "Tibbiyot muassasalarini moddiy rag'batlantirish va rivojlantirish jamg'armasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 16-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3416-1.

11. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 25-martdagi 243-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 20-martdagi 2025-07-son "Don va don mahsulotlarini qabul qilish, saqlash va sotish bo'yicha operatsiyalarning buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 16-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1684-2.